

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**29-сон**  
**(373)**  
**2009 йил**  
**20 июль**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## **МУНДАРИЖА**

### *Иккинчи бўлим*

331. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 июлдаги ПҚ–1156-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

332. «Истеъмол товарлари (хизматлар)нинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 июлдаги 190-сон қарори

333. «Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига 2009/2010 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 июлдаги 192-сон қарори

335. «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки

йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори

336. «Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ўқишини ташкил этиш учун Япония Ҳукуматининг грантларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 июлдаги 201-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

338. «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 27 июндаги 19/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1831-1*)

339. «Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 1 июлдаги 204-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1388-1*)

340. «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 3 июлдаги 68-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1982*)

341. «Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 июндаги 29/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1983*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 10 июлдан 17 июлгача бўлган маълумот

Ҳакамлик судлари тўғрисида ахборот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **331** Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

1. Қуйидаги, 2009 йил 28 май куни Бразилия шаҳрида имзоланган:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бразилия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида кишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида дипломатик паспорт эгаларини визалардан озод қилиш тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув Меморандуми тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисидаги тегишли билдиришномани йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 10 июль,  
ПҚ-1156-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **332 Истеъмол товарлари (хизматлар)нинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ–1090-сон қарорига мувофиқ ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган истеъмол товарлари сифати, уларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги юзасидан назоратни кучайтириш, шунингдек одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 9 июль,  
190-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 9 июлдаги 190-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида

ташқил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатида:

а) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва сотиш»;

б) 18-банддаги «болалар қуруқ сут маҳсулотлари, сутли болалар таомлари» сўзлари «болалар озиқ-овқат маҳсулотлари (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маъқулланган барча турлари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) қуйидаги мазмундаги 19 — 21-бандлар қўшилсин:

«19. Қуйидагилар:

маргарин ва майонез маҳсулотлари;

конфет ва шоколад (миллий ширинликлардан ташқари);

тухум кукуни;

минерал сувлар, шарбатлар ва салқин ичимликларнинг бошқа турлари (шиша идишда, пластик, асептик ва ноасептик ўрамларда);

шахсий гигиена буюмлари;

қурилиш материаллари (қўлда ва қўл асбоблари ҳамда кичик механизация воситаларидан фойдаланган ҳолда тайёрланадиган материаллардан ташқари);

мебеллар (бадий халқ ҳунармандчилиги ва амалий-декоратив санъат буюмларидан ташқари) ишлаб чиқариш.

20. Полиэтилен хом ашёсини саноат йўли билан қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш.

21. Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати.».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 4-банддаги «ва жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Лицензия талабгори лицензия олиш учун ишчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва банкдаги талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақами;

лицензияланаётган фаолият тури (ёхуд унинг бир қисми);

б) юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.»;

в) 22-банднинг иккинчи хатбоши ва 32-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) Низомга илованинг «Субъектлар» устунни биринчи позициясидаги «ва жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**333** Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети-  
тига 2009/2010 ўқув йили учун ўқувчилар қабул  
қилиш тўғрисида

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида саноатнинг юқори технологияли тармоқлари, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаш ва қуриш учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида 2009/2010 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилиш квотаси тўлов-контракт асосида 200 нафар, шу жумладан:

«Машинасозлик технологияси» мутахассислиги бўйича — 50 нафар;

«Автомобиль инжиниринги» мутахассислиги бўйича — 50 нафар;

«Саноат ва хўжалик қурилиши инжиниринги» мутахассислиги бўйича — 25 нафар;

«Архитектура ва саноат дизайни» мутахассислиги бўйича — 25 нафар;

«Ахборот технологияси ва саноатда АБТ» мутахассислиги бўйича — 25 нафар;

«Энергетика» мутахассислиги бўйича — 25 нафар этиб белгилансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва У.У. Розуқолов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 9 июль,  
192-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲҚAMACIНИНГ  
ҚАРОРИ**335 Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида**

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни назорат қилиш, ҳисобга олиш ва сотиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-банди иккинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 1-сон, 4-модда) чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирайсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 июль,  
200-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш,  
сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек уни йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом давлат даромадига ўтказиладиган:

жиноий ишлар бўйича суд қарорлари асосида мол-мулкнинг жиноят буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари асосида мол-мулкнинг ҳуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

жиноят ишлари бўйича суд қарорлари асосида суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида мулкий ундирувларни таъминлаш мақсадида банд қилиб қўйилган мол-мулкнинг давлатга етказилган зарарни қоплашга йўналтирилайдиган қисмига;

ишни тўхтатишда тергов органларининг қарорлари асосида мол-мулкнинг жиноят буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

божхона органлари қарорлари асосида экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилаётган қисмига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган, унинг ҳудуди орқали ташилаётган (халқаро транзитдан ташқари), акциз маркаси билан маркаланмаган сақланаётган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга;

солиқ органлари қарорлари асосида акциз маркаси билан маркаланмаган сақланаётган, сотилаётган, ноқонуний ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари қарорлари асосида акциз маркаси билан маркаланмаган сақланаётган, сотилаётган, ноқонуний ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга татбиқ этилади.



## II. Давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мол-мулкни (кейинги ўринларда мол-мулк деб юритилади) олиб қўйиш ваколатли орган мансабдор шахси томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

4. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол тузилади, унда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

а) тузилган вақти ва жойи;

б) протоколни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

в) мол-мулк эгаси ва мол-мулк олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортига оид маълумотлар ва шу кабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно;

г) мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса;

д) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни;

е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;

ж) ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати;

з) олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (оғирлиги, узунлиги ва бошқалар). Қимматли қоғозларни олиб қўйишда олиб қўйилган қимматли қоғозларнинг умумий миқдори, уларнинг тури ва қимматли қоғозларнинг эмитенти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;

и) олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақланиши таъминланиши, шу жумладан ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни муҳраб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса.

Ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисидаги протокол тўғри тузилганлиги, шунингдек унда ушбу бандда назарда тутилган барча маълумотлар кўрсатилиши учун жавобгар бўлади.

5. Мол-мулк олиб қўйилгандан кейин ваколатли орган мансабдор шахси томонидан бир сутка муддатда мол-мулкни сақлаш учун жойлаштириш масаласи ҳал қилинади.

Бунда, олиб қўйилган мол-мулк, қоидага кўра, сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти деб юритилади)нинг ҳудудий бошқармалари мол-мулкни сотиш бўйича хизматлар кўрсатишга белгиланган тартибда шартномалар тузган ва мол-мулкни сақлаш учун тегишли жойларга эга бўлган савдо ташкилотларига берилади.

Сақлаш учун махсус шарт-шароитларни талаб қиладиган бошқа мол-мулк

(автотранспорт воситаси, дори воситалари, заргарлик буюмлари ва ҳоказолар) сақлаш учун:

сақлаш учун масъул шахс белгиланган ҳолда ваколатли органнинг;

мол-мулкни масъулиятли сақлашнинг белгиланган нормаларига мувофиқ бўлган махсус омбор бинолари, асбоб-ускуналар ва шарт-шароитларга эга бўлган бошқа қорхоналар ва ташкилотларнинг бинолари, майдончалари, омборларига жойлаштирилиши мумкин.

Миллий ёки хорижий валютадаги олиб қўйилган нақд пул маблағлари (ашёвий далиллар сифатида эътироф этилган пул маблағлари бундан истисно) уларни олиб қўйган органнинг миллий ёки хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказиш учун уч кун муддатда банкка топширилиши керак. Бунда кўрсатиб ўтилган талаб қилиб олинадиган махсус депозит ҳисоб рақамларидан пул маблағлари фақат суд ижрочилари тегишли бўлимларининг мазкур Низомнинг 53-бандига мувофиқ очиладиган махсус ҳисоб рақамларига ўтказиш учун, шунингдек мазкур Низомнинг 57-бандида назарда тутилган ҳолларда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни эгаларига қайтариш учун ҳисобдан чиқарилади.

Мол-мулкни сақлаш учун масъул бўлган шахслар (ташкilotлар) уни сақлаш шартларига риоя этишга ва тегишли шарт-шароитларни таъминлашга мажбурдирлар ҳамда мол-мулкнинг бузилиши, шикастланиши, ўзлаштирилиши, камомади, яширилиши ва йўқ қилиниши учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар ва бошқача жавобгарликка тортиладилар.

Сақлаш учун қабул қилиш-топшириш тўғрисида ваколатли орган масъул мансабдор шахсининг ҳамда мол-мулкни сақлашга қабул қилган шахсининг имзолари билан тасдиқланган уч нусхадаги мол-мулк рўйхати билан далолатнома расмийлаштирилади.

Мол-мулкни сақлаш учун қабул қилиб олган шахс мол-мулк ўзлаштирилиши, камомади, яширилиши, йўқ қилиниши ёки унга шикаст етказилганлиги учун жавобгарлик, шу жумладан жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади, бу ҳақда қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатномада мол-мулкни сақлаш учун қабул қилиб олган шахсининг имзоси қўйилган ёзув қайд этилади.

Мол-мулк сақлашга топширилгунгача унинг сақланиши учун масъулият мол-мулкни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси зиммасига юкланади.

6. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек уни баҳолаш мақсадида мансабдор шахс уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида эксперт ва баҳоловчини тайинлайди, ушбу Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мажбурий сертификатланиши керак бўлган (этил, озиқ-овқат спирти, алкоғолли маҳсулотлар, пиво, тамаки маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, озиқ-овқатга биологик актив қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари бундан мустасно) ва улар бўйича мувофиқлик сертификатла-

ри мавжуд бўлмаган олиб қўйилган маҳсулотлар бўйича ушбу маҳсулотни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан уни сертификатлаштириш ва белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини олиш учун сертификатлаштириш органига буюртманома берилади.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати қонун ҳужжатларида белгиланади.

Этил (озик-овқат) спирти, алкоғолли маҳсулотлар, пиво, тамаки маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, озиқ-овқатга биологик актив қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчаларига нисбатан олиб қўйган органнинг мансабдор шахси томонидан кўрсатиб ўтилган товарларни идентификациялаш ва ўзига хос хоссаларини аниқлаш учун экспертиза тайинланади.

Эксперт ваколатли органнинг мансабдор шахси ва мол-мулкнинг эгаси иштирокида, у бўлмаган тақдирда эса — холис гувоҳлар иштирокида танлаб олиш нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда синов учун бўлак ва намуналар олади, бу ҳақда тегишли олиб қўйиш далолатномаси тузилади, унда олинган бўлак ва намуналарнинг сони ва алоҳида белгилари кўрсатилади. Ушбу далолатнома мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиш тўғрисида қарор чиқаришда ҳисобга олинади.

Ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган мол-мулк бўйича экспертиза, шунингдек, чиқиндилар ва идишларнинг ишлаб чиқаришда ёки иккиламчи қайта ишлашда фойдаланиш учун яроқлилиги юзасидан ҳам ўтказилади.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган олиб қўйилган реставрация қилинган заргарлик маҳсулотлари, шунингдек давлат асиллик даражаси тамғаларига эга бўлмаган заргарлик буюмлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг ваколатли органи мансабдор шахси томонидан уларнинг асиллик даражасини экспертиза қилиш (текшириш) ва давлат асиллик даражаси тамғаларини босиш учун юборилади. Текшириш ва тамға босиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан асиллик даражаси тўлови ундирилмасдан уч кун муддатда амалга оширилади.

7. Экспертиза мол-мулкнинг турига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бунга ваколоти бўлган ташкилотлар (стандартлаштириш органи ёки унинг томонидан аккредитация қилинган ташкилотлар, лабораториялар, санитария-эпидемиология органлари, ихтисослаштирилган эксперт ташкилотлар ва бошқа муассасалар) (кейинги ўринларда экспертиза органи деб аталади) томонидан ўтказилади. Экспертиза натижалари тўғрисида экспертиза органи уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — бир сутка мобайнида мол-мулкни олиб қўйган органга ёзма хулоса тақдим этади.

Эксперт ўз хулосасида тегишли лаборатория-техник тадқиқотлар давомида яроқсиз ҳолга келган ёки қайтарилган намуналар ва бўлақларнинг сонини кўрсатиши шарт.

Уч кун муддатда экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаган, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товарларнинг айрим турлари, тез бузиладиган товарлардан ташқари:

этил спирти (озик-овқат спирти), алкоғолли маҳсулотлар ва пиво, тамаки маҳсулотлари, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари, шунингдек озиқ-овқат товарлари ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда;

товарларнинг бошқа турлари бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда экспертизадан ўтказилади.

8. Мол-мулкни олиб қўйган орган (мансабдор шахс) ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган муддат мобайнида баҳолаш учун баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсни (кейинги ўринларда баҳоловчи деб аталади) жалб этади, ушбу банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Солиқ, божхона органлари ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни баҳолашда молия органлари вакиллари мажбурий тартибда қатнашадилар.

Кўчар мулкни олиб қўйган мансабдор шахслар автотранспорт воситаларидан ташқари уни фақат, агар алоҳида олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ортиқ бўлмаса, мол-мулкнинг жами қиймати эса энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган тақдирда баҳоловчини жалб этмасдан мустақил баҳолаши мумкин.

Мол-мулкни баҳолаш баҳоловчи томонидан баҳолаш кунида амал қилган нархлар бўйича ички бозорда талаб ва таклиф конъюнктурасининг мавжуд маълумотлари асосида амалга оширилади. Божхона қонун ҳужжатлари бузилганлиги муносабати билан олиб қўйилган автотранспорт воситасини баҳолашда унинг қиймати божхона қийматидан келиб чиқиб, бироқ «эркин муомала учун чиқариш» божхона режимида божхона чегараси орқали ўтганда тўланиши лозим бўлган божхона тўловларидан кам бўлмаган қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

Контрафакт асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларини баҳолашда уларнинг қиймати шунга ўхшаш лицензион (ноконтрафакт) асар ёки турдош ҳуқуқлар объектининг ўртача қийматидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзига хос хоссаларга эга бўлган мол-мулкни баҳолашда тегишли ташкилотларнинг вакиллари ҳам мутахассислар сифатида жалб қилинади. Мутахассис ваколатли органнинг мансабдор шахси чақириғи бўйича келиши, қўйилган масалалар бўйича ҳолисона ёзма ҳулоса бериши, ўзи томонидан бажариладиган хатти-ҳаракатлар юзасидан тушунтиришлар бериши шарт.

Баҳоловчи баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида белгиланган қонунчилик шаклида уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — бир кун мобайнида ҳисобот тақдим этади. Мол-мулкни баҳолаш ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан амалга оширилганда у томонидан кўрсатилган муддатда мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади.

Агар баҳоланадиган мол-мулкнинг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг

икки юз баравари ва ундан ортиқ миқдорига тенг бўлса ушбу мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси олиб қўйилган мол-мулкнинг ҳар бир турини расмга (имкони бўлса видео суратга) олади ва уларни мол-мулк олиб қўйилиши тўғрисидаги баённомага тиркаб қўяди.

Олиб қўйилган мол-мулк ваколатли органнинг мансабдор шахслари томонидан баҳоланиши бўйича йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

9. Эксперт, баҳоловчи ва бошқа мутахассислар ўзлари берган хулосанинг ишончлилиги ва ҳолислиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ моддий ва бошқача тарзда жавобгар бўладилар.

10. Олиб қўйилган мол-мулкни ва материаллар судга берилгунига қадар унинг ҳаракатини ҳисобга олиш уни олиб қўйган орган томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича юритилади.

Солиқ органлари давлат даромадига ўтказилиши керак бўлган, унга нисбатан олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган мол-мулк ҳисобини уни сотишдан пул маблағлари тушишигача ёки мол-мулк йўқ қилиб ташлангунгача юритадилар.

Экспертиза органлари истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқлилиги ёки яроқсизлиги юзасидан хулоса берилган давлат даромадига ўтказиладиган ёки йўқ қилиб ташланадиган мол-мулк (турлари бўйича) ҳажмлари ва қийматининг ҳисобини юритадилар.

11. Олиб қўйиш санасида энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараварига тенг ва ундан ортиқ қийматдаги мол-мулкни олиб қўйган орган мол-мулк олинган ҳудуддаги тегиши туман (шаҳар) прокурорига дарҳол махсус билдиришнома юбориши шарт.

Ҳар бир бундай ҳолат бўйича прокуратура органлари узил-кесил қарор қабул қилингунгача ва мол-мулк давлат даромадига ўтказилгунгача назорат юритадилар.

Энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараварига тенг ва ундан ортиқ қийматдаги мол-мулкни олиб қўйиш ва уни давлат даромадига ўтказишнинг ягона ҳисобини прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланган тартибда юритадилар.

### **III. Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш**

12. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган тегишли судга ёки органга (мансабдор шахсга) берилиши керак. Материалларга қўйидагилар илова қилинади:

мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги протокол;

мол-мулкни сақлаш учун қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси;

автомототранспорт воситаси ёки кўчмас мулкни давлат даромадига ўтказишда — кўздан кечириб чиқиш далолатномаси;

экспертиза ўтказиш учун бўлақлар ва намуналар олиш тўғрисидаги далолатнома;

мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқлилиги ёки яроқсизлиги юзасидан экспертнинг хулосаси, мажбурий сертификатланиши керак бўлган маҳсулотга мувофиқлик сертификати, шунингдек ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ экспертнинг хулосаси;

мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги хулоса ёки мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги далолатнома.

Энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари ва ундан ортиқ миқдорига тенг бўлган суммадаги мол-мулк бўйича қўшимча равишда суратга олиш материаллари, мавжуд бўлганда эса видеосуратга олиш материаллари илова қилинади.

13. Қўйидагилар мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши керак:

этил спирти (озик-овқат спирти), алкоғолли маҳсулотлар ва пиво;

тамаки маҳсулотлари;

доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари;

озик-овқатга биологик актив қўшимчалар, озик-овқат қўшимчалари;

экспертиза хулосасига кўра бевосита истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсиз деб тан олинган озик-овқат товарлари ва бошқа товарлар;

мажбурий сертификатланиши керак бўлган, сертификатлаш органининг хулосаси билан стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ эмас деб эътироф этилган маҳсулотлар;

асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, улар ҳуқуқ эгасининг илтимоси бўйича уларга берилган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек контрафакт асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларини тайёрлаш ва такрорлаш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар.

Экспертиза хулосасига кўра, бевосита истеъмол учун яроқсиз бўлган ҳамда ишлаб чиқаришда ва иккиламчи қайта ишлашда фойдаланиш учун яроқли деб эътироф этилган озик-овқат товарлари кейинчалик қайта ишлаш ёки фойдаланиш учун тўлов эвазига тегишли корхоналарга берилади.

14. Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган суд ёки бошқа орган ўз қарорида экспертизани ўтказишда (сертификатлашда) олинган ва қайтарилган бўлақлар ва намуналар сонини кўрсатган ҳолда давлат даромадига ўтказиладиган ёки йўқ қилинадиган мол-мулкнинг қиймати ва миқдорини кўрсатади.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган суд ёки орган ўзи чиқарган тегишли қарор кучга киргандан сўнг кейинги кундан кечикмай ижро ҳужжатини ижро этиш учун тегишли Суд департаментининг туман (шаҳар) бўлимига юборади (кейинги ўринларда суд ижрочилари деб юритилади).

Ваколатли органнинг кучга кирган қарори, шунингдек мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги кучга

кирган суд қарори асосида суд томонидан бериладиган ижро варақаси ижро ҳужжати ҳисобланади.

Суд ёки органнинг (мансабдор шахснинг) ижро ҳужжатига ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган, ижрони юритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар илова қилинади.

#### **IV. Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги қарорларни бажариш ва уларни ҳисобга олиш тартиби**

15. Суд ижрочиси суднинг ёки уни берган бошқа ваколатли органнинг ижро ҳужжатини бажариш учун қабул қилиб олиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ унга ижро ҳужжати келиб тушган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ижро иши қўзғаш тўғрисидаги масалани ҳал этиши керак.

Ижро ҳужжати қабул қилингандан кейин суд ижрочиси ижро ҳужжатининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади, шу жумладан ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган илова қилинадиган материаллар мавжудлигини текширади.

Ижро ҳужжати қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, шу жумладан ижро ҳужжатига илова қилинадиган материаллар мавжуд бўлмаганда ёки улар белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда, суд ижрочиси ўз қарори билан ижро ҳужжатини қўйилган талабларни барта раф этиш учун қайтаради.

Ижро иши қўзғатилгандан кейин суд ижрочиси ўзида сақланаётган мол-мулк рўйхатини тузади, ушбу мол-мулк шу пайтдан бошлаб унинг ихтиёрига ўтади.

Мол-мулк рўйхати тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома суд ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси, шунингдек мол-мулкнинг сақланиши учун жавобгар бўлган шахс томонидан имзоланади.

Рўйхатга олиш давомида мол-мулкни ўзлаштириш, унинг камомади, уни яшириш, йўқ қилиш, унга шикаст етказиш ҳолатлари, мол-мулк номи, миқдори, сифати, қиймат кўрсаткичларида, шунингдек олиб қўйиш тўғрисидаги далолатномада, экспертнинг хулосасида, баҳоловчининг хулосасида, мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги далолатномада ва сақлаш учун қабул қилиш-топшириш далолатномасида кўрсатилгандан фарқлар аниқланган тақдирда суд ижрочиси бу ҳақда гувоҳлар иштирокида уч нусхада далолатнома тузади ва кейинги кундан кечикмай ижро ҳужжати нусхасини далолатноманинг бир нусхасини илова қилган ҳолда аниқланган камчиликларни кўрсатган ҳолда судга ёки уни берган ваколатли органга юборади. Бир вақтнинг ўзида суд ижрочиси суд ижрочиси жойлашган жой бўйича тегишли туман (шаҳар)-нинг прокурорига айбдор шахсларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўриш учун далолатноманинг иккинчи нусхасини илова қилган ҳолда махсус билдиришномани юборади.

16. Суд ижрочиси ижро ҳужжати бажарилгунга қадар мол-мулк сақла-

надиган жойни ўзгартиришга ҳақлидир. Бунда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади. Далолатнома суд ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси, мол-мулк сақланиши учун жавобгар бўлган шахс, мол-мулк сақланиши учун жавобгар этиб янгидан тайинланган шахс томонидан имзоланади.

Мол-мулкни сақлаш жойи рўйхат тузиш билан бир вақтда ўзгарган тақдирда фақат қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилади, унда мол-мулкнинг рўйхати акс эттирилади.

17. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш, автототранспорт воситалари ва кўчмас мулкдан ташқари, шартнома-воситачилик асосида ёхуд кимошди савдоси шартларида амалга оширилади.

Автототранспорт воситалари ва кўчмас мулк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ихтисослаштирилган биржалар томонидан очик кимошди савдоларида сотилади.

18. Мол-мулкни сотиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган танлов асосида савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Захираларни шакллантириш учун бериладиган озик-овқат товарларини сақлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли қарорлари асосида танлов асосида белгиланадиган савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Савдо ташкилотларини аниқлашда уларнинг ихтисослашуви, жойлашган жойи ва истеъмолчи учун бориш осон бўлиши (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва бошқалар), тегишли омборхона бинолари ва ускуналарнинг мавжудлиги, аввалги фаолиятида белгиланган савдо фаолияти қоидаларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги ва бошқалар ҳисобга олинади.

Мол-мулкни сотиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномалар ушбу савдо ташкилотлари билан Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари томонидан тузилади.

Мол-мулкни сотиш хизматлари кўрсатиш юзасидан шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда мазкур шартнома шартларига риоя этиш ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилишига йўл қўйилмаганлиги ҳам ҳисобга олинади.

Сотилиши учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) ёхуд сотиш ёки сақлаш учун махсус шарт-шароитлар талаб қилинадиган мол-мулкнинг айрим турлари (заргарлик буюмлари, ёқилғи-мойлаш материаллари, бошқа нефть маҳсулотлари ва ҳоказолар) Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси билан тузилган шартнома асосида танлов ўтказилмасдан сотиш учун тегишли ташкилотларга берилиши мумкин.

Истисно ҳолларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулк сотилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича давлат органларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш учун уларга текин берилиши мумкин.

19. Сотиладиган мол-мулк ижро ишини юритувчи суд ижрочилари то-



монидан товарга илова қилинадиган юкхати билан биргаликда савдо ташкилотларига берилади. Ижро ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун мол-мулк унинг миқдоридан, ҳажмидан ва тез сотилиши имкониятларидан келиб чиқиб бир вақтнинг ўзида сотиш учун бир нечта савдо ташкилотларига берилиши мумкин.

Савдо ташкилотларига мол-мулкни унинг бутун қиймати тўлангунга қадар харидорларга бериш, шунингдек мол-мулкни тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) шarti билан сотиш тақиқланади.

Шартнома шартларига риоя этилиши, шунингдек мол-мулк сотилиши тартибини назорат қилиш тегишли суд ижрочилари томонидан амалга оширилади. Шартнома шартлари ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилган тақдирда тегишли суд ижрочиси мол-мулкни уни сотиш юзасидан хизматлар кўрсатишга шартнома тузилган бошқа савдо ташкилотига беришга ҳақлидир.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни сотаётган савдо ташкилоти томонидан савдо фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган қоидаларини бузиш ҳоллари аниқланганда назорат қилувчи органлар унга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўради, шунингдек ушбу ҳолат тўғрисида суд ижрочисини мажбурий тартибда хабардор қилади.

20. Савдо ташкилотлари ўзининг мол-мулкни қабул қилиб олиш ва сотиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун шартномада белгиланган, бироқ сотилган мол-мулк қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган сотилган мол-мулк савдо чегирмасини ўз фойдасига ушлаб қоладилар.

21. Савдо ташкилоти томонидан қабул қилинган мол-мулкка талаб бўлма-са ва 30 кун мобайнида белгиланган нархда сотилмаса, савдо ташкилоти бу ҳақда суд ижрочисини ёзма равишда хабардор қилади, шунингдек суд ижрочиси, молия ва солиқ органлари вакиллари иштирокида унинг қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда арзонлаштиради. Айни бир вақтда мол-мулк сотилганлиги учун савдо ташкилотига тегишли бўлган савдо чегирмаси суммаси қайта ҳисоб-китоб қилинади. Арзонлаштириш тўғрисида махсус шакл бўйича далолатнома тузилади, унинг нусхаси молия, солиқ органларига ва ушбу мулкни олиб қўйган ваколатли органларга берилади.

Арзонлаштирилгандан кейин мол-мулк сотилмаган тақдирда мол-мулк ушбу банднинг биринчи хатбошида кўзда тутилган тартибда яна арзонлаштирилиши ва ушбу Низомга мувофиқ сотилгунига қадар сотувга қўйилиши керак.

Давлат даромадига ўтказилган сотувдаги мол-мулкнинг яроқлилиқ муддати тамом бўлгандан кейин савдо ташкилоти суд ижрочисига тегишли билдиришнома юборади. Суд ижрочиси яроқлилиқ муддати тамом бўлган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун уч кун мобайнида судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органга мурожаат қилади. Суд ёки ижро ҳужжатини берган бошқа орган суд ижрочисининг кўрсатиб ўтилган мурожаатини ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тартибда кўриб чиқади.

22. Сотиш учун савдо ташкилотларига бериладиган барча буюмлар мувофиқлик сертификатлари (сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйи-

ча) ва рўйхатга олиш далолатномасида ёки қабул қилиш-топшириш далолатномасида назарда тутилган тартиб рақамлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда савдо ташкилотининг товар ёрлиқлари билан таъминланиши керак.

Буюмларни жузъий таъмирлаш, тозалаш, текислаш уларни сотиш учун қабул қилиб олган савдо ташкилотлари ҳисобига амалга оширилади.

23. Қимматбаҳо металллар — олтин, кумуш, платина ва ҳар қандай турдаги ва ҳолатдаги платина гуруҳига кирувчи металллар (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий), ишлов берилмаган ва қайта ишланган табиий қимматбаҳо тошлар (олмос, бриллиант, фируза, лаъл, ёқут, шунингдек табиий марварид) ва ярим қимматбаҳо тошлар, шунингдек таркибида қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва табиий марварид бўлган буюмлар (далолатнома бўйича музейлар, илмий муассасаларга текин бериладиган тарихий, илмий, бадиий ва бошқа маданий қимматга эга бўлганларидан ташқари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда масъулиятли сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига берилиши керак.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари уларни сотиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган савдо ташкилотларида сотилади.

Тарихий, илмий, бадиий ва бошқа маданий қимматга эга бўлган қимматбаҳо металллар, тошлар ва улардан ясалган буюмлар кейинчалик далолатнома бўйича давлат музейлари ва илмий муассасаларга текин бериш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига текин берилади.

24. Диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадиий, илмий ва бошқа маданий қимматга эга бўлган, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) кейинчалик далолатнома бўйича диний ташкилотларга текин бериш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага берилади.

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хазина мажбуриятлари ва юридик шахслар учун облигациялари Ўзбекистон республика валюта биржаси депозитарийсида Суд департаментининг депо ҳисоб рақамида ҳисобга олинади. Ушбу қимматли қоғозлар белгиланган тартибда Ўзбекистон республика валюта биржасида сотилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахслар учун облигациялари кўрсатиб ўтилган облигациялар билан операциялар хизмат кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан шартнома тузган банкларга кейинчалик улар эмитент томонидан қайтарилиши учун берилади.

Депозит сертификатлар ва чеклар улар бўйича суммани Суд департаменти органининг депозит ҳисоб рақамига ўтказиш учун тегишли банк муассасаларига берилади.

Акциялар ва корпоратив облигациялар фонд биржаси ёки қимматли

қоғозларнинг ташкил этилган биржадан ташқари бозорлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

Векселлар векселларни чиқариш шартларига мувофиқ уларни чиқарган шахслар томонидан сотиб олиниши керак.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харажат операциялари тўхта-тиб қўйилган банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари суд ижрочилари тегишли бўлимларининг мазкур Низомнинг 53-бандига мувофиқ очиладиган махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади. Бунда банк ҳисоб рақамларидаги хорижий валютадаги пул маблағлари кўрсатиб ўтилган банк ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкига сотиш кундаги курс бўйича сотилади, кейинчалик миллий валютага конвертация қилинган пул маблағлари суд ижрочилари тегишли бўлимларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида олиб қўйилган ва суриштирув, тергов ва суд органларининг депозит ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ижро ҳужжати берилган кундан бошлаб уч иш кундан кечикмай кўрсатиб ўтилган органлар томонидан суд ижрочилари бўлимларининг ушбу Низомнинг 53-бандига мувофиқ очиладиган махсус ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак.

26. Почта маркалари, шу жумладан коллекция қилинадиган маркалар ҳақи олиниб почта алоқаси ташкилотларига берилади.

27. Китоблар, тарихий, илмий, бадий қимматга ва бошқа маданий қимматга эга бўлган китоблардан ташқари, ҳақи олиниб китоб савдоси ташкилотларига берилади. Агар китоблар ушбу Низомда белгиланган тартибда сотилмаган тақдирда, улар чиқинди қоғозларни қабул қилиш учун белгиланган нархлар бўйича иккиламчи хом ашёни йиғиш ва тўплаш билан шуғулланадиган ташкилотларига тўлов эвазига ўтказилади.

28. Тарихий, илмий, бадий ва бошқа маданий қимматга эга бўлган мол-мулк кейинчалик далолатнома бўйича давлат музейлари ва илмий муассасаларга текин бериш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига текин берилади.

29. Қишлоқ хўжалиги машиналари махсус ажратилган савдо майдонларида биржалар томонидан ўтказиладиган очиқ кимошди савдоларида сотилади.

Маҳсулдор моллар ва иш моллари, асал ари оиласи, ем-хашак, минерал ўғитлар ва пестицидлар ихтисослаштирилган ташкилотлар орқали сотилади.

30. Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарлари пулли асосда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига берилади. Ушбу товарлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорига кўра товарларнинг сақланиш муддатларидан ва бозордаги эҳтиёж мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда сотилади.

Жун, бўрдоқи моллар, паррандалар, қуёнлар, дон, канош ва зиғир тола-

си ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ихтисослаштирилган ташкилотлар орқали сотилади.

Тери, момик-мўйна ва қоракўл хом ашёси уларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган ташкилотларга тўлов эвазига берилади.

31. Кўп йиллик дов-дарахтлар (боғ, полиз ўсимликлари) ҳокимликларга текин берилади.

32. Фойдаланиб бўлмайдиган қора ва рангли металлдан ясалган буюмлар, шунингдек металл парчалари ва ушбу металлларнинг чиқиндилари тўлов эвазига қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларга берилади.

33. Дастгоҳлар ва бошқа ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, шунингдек товарлар ва маҳсулотлар ҳамда шу кабиларни ишлаб чиқарувчи кичик заводлар, линияларни сотиш белгиланган тартибда кимовши савдоларида амалга оширилади.

34. Дастлабки қайта ишланмасдан савдо тармоғи орқали сотилиши мумкин бўлмаган буюмлар тегишли корхоналарга кейинчалик қайта ишлаш учун сотилади, мазкур Низомнинг 13-бандида санаб ўтилганлар бундан мустасно.

35. Фойдаланилиши ёки сотилиши мумкин бўлмаган буюмлар, шунингдек макулатура ва иккиламчи хом ашёнинг бошқа турлари иккиламчи хом ашёни йиғиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тегишли ташкилотларга сотилади, мазкур Низомнинг 13-бандида санаб ўтилганлар бундан мустасно.

36. Йўқ қилиб ташлаш ҳақидаги ижро ҳужжати берилган мол-мулк суд ижрочиси томонидан мазкур Низомнинг VII бўлимида белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланади, ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган мол-мулк турлари бундан мустасно.

Қурол-яроғ, ўқ-дорилар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан йўқ қилинади.

37. Мол-мулкнинг суд ижрочилари, Суд департаменти, солиқ, молия, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, адлия, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ходимлари, экспертизани амалга оширган мутахассислар, баҳоловчилар, шунингдек ушбу мол-мулкни сотувчи савдо ташкилотлари ва биржалар ходимлари томонидан сотиб олиниши тақиқланади.

38. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ва уларни сотишдан олинадиган пул маблағларини ҳисобга олиш суд ижрочилари томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича юритилади.

## **V. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни тасарруф этиш хусусиятлари**

39. Сақлаш муддати 72 соатгачани ташкил қиладиган тез бузиладиган товарлар, шунингдек яроқлилик муддати бир ой мобайнида тугайдиган товарлар, уларнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинганидан қатъи назар, истеъмолга (фойдаланишга, қайта ишлашга) яроқлилиги бўйича экспертиза хулосаси ва уни баҳолаш вақтидан бошлаб

бир сутка мобайнида олиб қўйган органнинг мансабдор шахси томонидан суд ижрочиси иштирокида сотиш учун бериш далолатномаси билан савдо ташкилотларига сотиш учун берилади.

Бунда товарларни сотишдан тушган маблағлар товарни давлат даромадига ўтказиш ёхуд уни қайтариш тўғрисида ижро ҳужжати олингунга қадар суд ижрочиларининг тегишли бўлимларидаги депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган товарларнинг истеъмолга, фойдаланишга ёки қайта ишлашга яроқсизлиги тўғрисида экспертиза томонидан хулоса чиқарилган тақдирда уни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси суд ижрочиси, санитария-эпидемиология станцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакиллари ва ҳолис гувоҳлар иштирокида истеъмол қилиш, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқсиз деб топилган мол-мулкни мазкур Низомда назарда тутилган барча талаблар бажарилган ҳолда йўқ қилиб ташлайди.

40. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва қурул-яроғларни олиб қўйиш, экспертизадан ўтказиш, сақлаш ва улар билан боғлиқ бошқа хатти-ҳаракатлар, шунингдек уларни ҳисобга олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **VI. Автомототранспорт воситаларини ва кўчмас мулкни давлат даромадига ўтказиш ва ҳисобга олиш хусусиятлари**

41. Автомототранспорт воситаларини олиб қўйишда ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан у мажбурий тартибда кўрикдан ўтказилади ҳамда олиб қўйиш тўғрисидаги протоколда унинг маълумотлари, ҳолати ва бутлиги акс эттирилади.

42. Олиб қўйилган автоматотранспорт воситалари ваколатли органларнинг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг ҳамда уларни сақлашнинг тегишли шароитларини таъминловчи бошқа ташкилотларнинг махсус ажратилган жойларида (сақлаш жойлари, омборлар, жарима майдончаларида) сақланади.

Бунда суд ижрочиси автоматотранспорт воситаларидан бошқа шахслар томонидан фойдаланишга ва бошқача фойдаланишга чеклашни таъминлаши шарт (муҳрлаш).

Автомототранспорт воситалари уларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган биржаларга сақлаш учун берилиши мумкин.

43. Автомототранспорт воситасини олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисида протокол тузилган вақтдан бошлаб уч кун муддатда автоматотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказувчи тегишли нотариал органларга ва ички ишлар органларига билдиришнома жўнади.

44. Олиб қўйилган автотототранспорт воситасининг техник ҳолатини кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг мутахассислари томонидан ҳудудий молия органи ҳамда автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ихтисослашган корхоналари вакилларининг мажбурий тартибдаги иштирокида амалга оширилади.

Кўчмас мулкнинг ҳолатини кўздан кечириш ҳудудий молия органининг вакили мажбурий тартибда қатнашган ҳолда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий органи мутахассиси иштирокида амалга оширилади.

Автотототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни кўздан кечириш натижалари бўйича кўздан кечириш далолатномаси тузилади. Далолатнома автотототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни олиб қўйган ваколатли органининг мансабдор шахси ҳамда кўздан кечиришда қатнашган шахслар томонидан имзоланади.

45. Автотототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин суд ижрочиси ушбу Низомда белгиланган тартибда автотототранспорт воситаси ва кўчмас мулкни қабул қилиш-топширишни амалга оширади.

Суд ижрочиси давлат даромадига ўтказилган автотототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни ваколатли органдан қабул қилиб олишда барча ҳужжатлар, шу жумладан улар кўздан кечирилганлиги ва баҳоланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

## **VII. Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тартиби**

46. Суд ижрочиси тегишли ижро ҳужжати олинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ижро ишини қўзғайди ва ушбу Низомнинг 47-бандида кўрсатилган шахсларни мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш жойи ва санаси тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Бунда суд ижрочиси ушбу вақтдан бошлаб ўзининг тасарруфига ўтадиган сақлашда бўлган йўқ қилиб ташланиши керак бўлган мол-мулк рўйхатини тузади.

Йўқ қилиб ташланиши керак бўлган мол-мулк рўйхати тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади, далолатнома суд ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйишни амалга оширган органнинг мансабдор шахси, шунингдек мол-мулкнинг сақланиши учун масъул шахс томонидан имзоланади.

47. Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ижро ишини қўзғаш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб 7 кундан кечикмай суд ижрочиси томонидан, қуйидагилардан:

мол-мулкни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органининг вакили;

санитария-эпидемиология хизмати органининг вакили;

олиб қўйилган мол-мулкнинг сақланиши учун масъул шахс (ташкilot вакили);

камида икки нафар холис гувоҳдан иборат таркибда тузиладиган комиссиянинг мажбурий тартибдаги иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабабларсиз йўқ қилиб ташлаш учун келмаган комиссия аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ваколатли органнинг мол-мулкни олиб қўйган ва мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш жойи ва санаси тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинган мансабдор шахсларининг келмаслиги йўқ қилиб ташлаш учун тўсқинлик қилмайди.

48. Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тартиб-қоидаси санитария-эпидемиология хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари билан келишилган усулларда ва жойларда амалга оширилади.

49. Мол-мулкнинг йўқ қилиб ташланганлиги тўғрисида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича беш нусхада далолатнома тузилади.

Мол-мулк йўқ қилиб ташланган кундан бошлаб уч кундан кечикмай далолатноманинг бир нусхаси — судга ёки уларни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли органга, иккинчи нусхаси — мол-мулкни олиб қўйган органга, учинчи нусхаси — хулоса берган экспертиза органига юборилади, тўртинчи нусхаси мазкур товарларнинг сақланиши учун масъул шахсга (ташкilotга) берилади, бешинчи нусхаси эса ижро иши материалларига қўшиб қўйиш учун суд ижрочисига қолади.

50. Йўқ қилиб ташланган мол-мулкнинг ишлаб чиқаришда ёки иккиламчи қайта ишлашда фойдаланилиши мумкин бўлган чиқиндилари ва идишлари давлат даромадига ўтказилади ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналарга ёки иккиламчи хом ашёни тўплаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тегишли ташкilotларга шартнома асосида сотилади.

51. Йўқ қилиб ташланадиган мол-мулкни, чиқиндилар ва идишларни сотишдан тушган пул маблағларини ҳисобга олиш ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича суд ижрочилари томонидан юритилади.

### **VIII. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш**

52. Мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари, савдо чегирмасини чиқариб ташлаган ҳолда, сотилишига қараб савдо ташкilotи томонидан суд ижрочиларининг тегишли бўлимларидаги махсус ҳисоб рақамига 3 кундан кечикмай, ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади.

Мол-мулкни сотишдан тушган суммани ўтказиш муддати кечиккан тақдирда савдо ташкilotи кечиккан ҳар бир кун учун тўланадиган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида Суд ва адлия органларининг ривожлантириш жамғармасига пеня тўлайди.

53. Мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларини ўтказиш учун суд ижрочиларининг тегишли бўлимлари томонидан банкда махсус ҳисоб рақами очилади.

Кўрсатиб ўтилган махсус ҳисоб рақамига, шунингдек, пул маблағларини олиб қўйган органнинг талаб қилиб олинadиган махсус депозит ҳисоб рақамларида турган ва давлат даромадига ўтказилadиган пул маблағлари ўтказилади. Бунда талаб қилиб олинadиган махсус депозит ҳисоб рақамларида турган хорижий валютадаги пул маблағлари пул маблағларини олиб қўйган органнинг талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатadиган тижорат банкига сотиш кунидаги курс бўйича сотилади, кейинчалик миллий валютага конвертация қилинган пул маблағлари суд ижрочиларининг тегишли бўлимлари махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Суд ижрочиларининг тегишли бўлимлари ҳисоб рақамига тушган пул маблағлари уч банк куни мобайнида қўйидаги тартибда:

1) Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан олиб қўйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган товарлар ва бойликлар бўйича:

70 фоизи — тегишли маҳаллий бюджетга;

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органнинг махсус ҳисоб рақамига;

10 фоизи — Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисоб рақамларига;

2) Ўзбекистон Республикасининг чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши натижасида божхона органлари ва чегарачилар томонидан олиб қўйилган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган товарлар ва бошқа бойликлар бўйича:

70 фоизи — тегишли маҳаллий бюджетга;

20 фоизи — бюджетдан ташқари ягона Ижтимоий ривожлантириш ва товарларнинг чегара орқали қонуний олиб ўтилишини таъминловчи ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига;

10 фоизи — Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисоб рақамларига;

3) Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат биология назорати органлари томонидан олиб қўйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган ов ва балиқ овлаш қуроллари, шунингдек ноқонуний ов маҳсулотлари бўйича:

40 фоизи — тегишли маҳаллий бюджетга;

50 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат биология назорати органининг махсус ҳисоб рақамига;

10 фоизи — Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисоб рақамларига;

4) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган бошқа товарлар ва бойликлар бўйича:

80 фоизи — тегишли маҳаллий бюджетга;

10 фоизи — мол-мулкни давлат даромадига олиб қўйган органнинг махсус ҳисоб рақамига;

10 фоизи — Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига тақсимланади.



54. Суд ижрочиларига:

маҳаллий бюджетлар ҳисоб рақамлари реквизитлари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилигининг тегишли бўлинмалари томонидан;

тегишли давлат органларининг махсус ҳисоб рақамлари реквизитлари — Суд департаменти томонидан ушбу органлар билан биргаликда етказилади.

Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар бўйича ҳар ойда кейинги ойнинг 7-кунигача суд ижрочиларининг тегишли бўлимлари, прокуратура, солиқ, божхона ва тергов органлари ўртасида солиштириш далолатномаси тузилади.

55. Сақлаш, экспертиза ва баҳолашни ўтказиш, транспорт харажатлари ва мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар тегишли равишда:

мол-мулкни олиб қўйган органлар маблағлари ҳисобига — мол-мулкни суд ижрочиларига бергунгача;

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига — мол-мулк суд ижрочиларига ўтказилгандан кейин қопланади.

56. Ушбу Низомнинг 55-бандида кўрсатилган харажатлар давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобига, улар ушбу Низомнинг 53-бандига мувофиқ тақсимлангунгача, тегишли харажатлар қилинган мол-мулкни сотишдан тушган сумма доирасида қопланади.

Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ҳамда тегишли ташкилотларга текин берилган мол-мулкни сақлаш, экспертиза ва баҳолашни ўтказиш, транспорт харажатлари ва ушбу мол-мулкларни давлат даромадига ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобига улар мазкур Низомнинг 53-бандига мувофиқ тақсимлангунга қадар қопланади.

Ушбу бандда кўрсатиб ўтилган сарф-харажатлар ваколатли органлар томонидан суд ижрочиларига амалга оширилган сарф-харажатларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қопланади. Кўрсатиб ўтилган сарф-харажатларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ушбу мол-мулкни олиб қўйган ваколатли органлар томонидан ҳар бир ижро варақаси бўйича алоҳида тақдим этилиши керак.

### **IX. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни қайтариш ва уни ҳисобга олиш**

57. Мол-мулк ёки унинг қиймати:

мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги суд қарори ёки ваколатли орган қарори бекор қилинганда;

мол-мулкнинг бир қисмини банд қилиб қўйишни бекор қилиш (рўйхатдан чиқариш) тўғрисида суд қарори чиқарилганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда қайтарилади.

58. Мол-мулк ҳали сотилмаган, йўқ қилиб ташланмаган ёки қайта ишлашга топширилмаган бўлса, уни қайтариш ваколатли орган ёки суд ижро-чиси томонидан, мол-мулкни қайтариш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади, бу мазкур Низомга 1 ва 2-ило-валарга мувофиқ шакллар бўйича ҳисобга олинади.

Аризага мазкур мулк давлат мулкига тушганлигига асос бўлган қарор тегишли давлат органи томонидан бекор қилинганини тасдиқловчи ҳужжат-нинг тасдиқланган нусхаси илова қилинади.

59. Агар мол-мулк сотилган ёки қайта ишлашга топширилган бўлса, мол-мулк қийматини қайтариш молия органлари томонидан тегишли бюджет маблағларидан ва давлат органларининг тегишли ҳисоб рақамларидан илгари маблағлар тақсимланган айни бир фоиз нисбатида мол-мулк қийматини тўлаш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

Давлат органларининг тегишли ҳисоб рақамларига маблағлар етишма-ган тақдирда етишмаган қисмни қайтариш молия органлари томонидан ке-йинчалик кўрсатиб ўтилган маблағлар давлат органларининг махсус ҳисоб рақамидан ундириб олинган ҳолда тегишли бюджет маблағларидан амалга оширилади.

Йўқ қилинган мол-мулк қийматини қайтариш ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддатда молия органлари томонидан тегишли бюджет маб-лағларидан амалга оширилади.

Тегишли бюджетдан қайтарилиши керак бўлган қисм бўйича мол-мулк қийматини қайтариш манбаи сифатида давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан ушбу бюджетга келиб тушган жорий тушумлар суммалари ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган жорий тушумлар етишмаган тақдирда молия органи раҳбари пул маблағларининг етишмаган қисмини Ўзбекистон Респуб-ликаси давлат бюджети даромадларининг тегишли бўлимлари ва параграфла-ри бўйича тушумлар ҳисобига тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

60. Мол-мулк қийматининг баҳоси (суммаси) қонун ҳужжатларига му-вофиқ аниқланади.

61. Мол-мулкни қайтариш ёки унинг қийматини тўлаш, агар қайтариш тўғрисидаги ариза мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги қарор-лар бекор қилинган кундан бошлаб уч йилдан кечикмай берилган бўлса, амалга оширилади.

Мол-мулк қиймати қайтарилиши муносабати билан давлатга етказил-ган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ тескари талаб (регресс) тартибида айбдор шахслардан ундириб олиниши мумкин.

#### **Х. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан маблағлар тушиши тўғрисида ҳисобот**

62. Суд ижрочилари бўлимлари тегишли солиқ органларига белгилан-ган шаклда, ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги

ойнинг 10-кунигача мол-мулкни сотишдан пул маблағлари тушиши ва уларнинг тақсимланиши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

Ҳисобот шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

63. Солиқ органлари ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойннинг 20-кунигача молия органларига белгиланган шаклда, ортиб борувчи яқун билан, мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушиши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

64. Ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойннинг 10-кунигача санитария-эпидемиология хизмати органлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, бошқа экспертиза органлари эса — «Ўзстандарт» агентлигига давлат даромадига ўтказиладиган ёки йўқ қилиб ташланадиган, истеъмолга, фойдаланишга ёки қайта ишлашга яроқлилигини ёки яроқсизлигини аниқлаш бўйича экспертиза хулосалари берилган мол-мулкнинг (турлари бўйича) ҳажмлари ва қиймати тўғрисида ахборот тақдим этадилар.

## XI. Яқуний қоидалар

65. Мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини назорат қилиш, шунингдек давлат органларига текин берилган мол-мулкни ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

66. Мол-мулкни олиб қўйиш, давлат мулкига ўтказиш ёки уларни йўқ қилиб ташлаш, баҳолаш (қайта баҳолаш) ҳамда сотиш ваколоти берилган, олинган пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилишини таъминловчи давлат бошқаруви, назорат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар.

Ушбу Низом талаблари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича прокуратура органлари жазонинг муқаррарлигини таъминлайдилар ҳамда қонунда назарда тутилган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарлик чораларини кўрадилар.

67. Ушбу Низомнинг бузилганлиги учун айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

68. Ушбу Низомни қўллаш бўйича юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

335-модда

**Экспертиза қилинадиган, баҳоланадиган ва давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулк ҳаракатини ҳисобга олиш  
ДАФТАРИ**

| Т/р | Мол-мулкни олиб қўйиш         |                   |               |      | Мол-мулкни экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш |   |        |         | Сақлаш жойи            |                   | Материални судга топшириш |        | Суд ёки бошқа орган қарори |                    |    |    |                             |    |                            | Тушган маблағ |         |                               |    |    |
|-----|-------------------------------|-------------------|---------------|------|---|---|--------|---------|------------------------|-------------------|---------------------------|--------|----------------------------|--------------------|----|----|-----------------------------|----|----------------------------|---------------|---------|-------------------------------|----|----|
|     | Олиб қўйиш далолатномаси ва № | Мол-мулкнинг номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Экспертиза хулосасининг санаси ва №         | Баҳолаш ҳисоботи санаси ва № (Баҳолаш далолатномаси санаси) | Баҳоси | Суммаси | Хужжатнинг санаси ва № | Ташкилотнинг номи | Санаси                    | Хужжат | Санаси ва №                | эгасига қайтарилди |    |    | давлат даромадига ўтказилди |    | йўқ қилиб ташлашга берилди |               | Ҳаммаси | шу жумладан маҳаллий бюджетга |    |    |
| 1   | 2                             | 3                 | 4             | 5    | 6   | 7   | 8      | 9       | 10                     | 11                | 12                        | 13     | 14                         | 15                 | 16 | 17 | 18                          | 19 | 20                         | 21            |         |                               | 22 | 23 |
|     |                               |                   |               |      |   |   |        |         |                        |                   |                           |        |                            |                    |    |    |                             |    |                            |               |         |                               |    |    |

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни  
олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни ҳисобга олиш  
ДАФТАРИ**

| Т/р | Ижро иши №, суд<br>ижрочисининг Ф.И.О. | Ижро ҳужжатининг<br>№, санаси, ижро<br>далолатномаси<br>тузилган сана | Ижро<br>ҳужжатини<br>берган суд ёки<br>бошқа орган | Мол-мулкни<br>олиб қўйган<br>орган | Мол-мулкнинг<br>номи, сони,<br>суммаси | Олиб қўйилган<br>мол-мулк суд<br>ижрочисига<br>берилган сана | Сақлаш жойи ва<br>унинг ўзгаргани<br>тўғрисида белги |
|-----|--|---|--|------------------------------------|--|--|--|
| 1   | 2                                      | 3   | 4  | 5                                  | 6                                      | 7  | 8  |
|     |  |   |  |                                    |  |  |  |

*Жадвалнинг давоми*

| Олиб қўйилган мол-<br>мулк сотиш учун<br>берилган сана ва<br>сотувчи ташкилот | Сотишга берилган<br>мол-мулкнинг<br>арзонлаштирилиши<br>тўғрисида белги | Сотиш<br>суммаси ва<br>унинг<br>тушган<br>санаси | Мол-мулкни йўқ қилиб<br>ташлаш харажатларини<br>қоплаш суммаси, йўқ<br>қилиб ташлаш далолат-<br>номаси № ва санаси | Қолган суммани тақсимлаш |                                      |   | Алоҳида<br>белгилар |
|---|---|--|--|--------------------------|--------------------------------------|---|---------------------|
|   |   |  |  | бюд-<br>жетга            | мол-мулкни<br>олиб қўйган<br>органга | Судлар ва адлия<br>органларини<br>ривожлантириш<br>жамғармасига |                     |
| 9   | 10  | 11   | 12   | 13                       | 14                                   | 15  | 16                  |
|   |   |  |  |                          |                                      |   |                     |

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида  
\_\_\_\_\_ -сон Далолатнома**

200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ туман (шаҳар)

Йўқ қилиш соат \_\_\_\_\_ дақиқада \_\_\_\_\_ бошланди

Йўқ қилиш соат \_\_\_\_\_ дақиқада \_\_\_\_\_ тугатилди

(мол-мулки йўқ қилинаётган юридик (жисмоний) шахснинг номи)

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳамда 200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон ижро ҳужжати асосида 200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон олиб қўйиш протоколига мувофиқ олиб қўйилган қуйидаги мол-мулкни йўқ қилиб ташлашни амалга оширдик:

| Т/р | Номи | Миқдори |
|-----|------|---------|
|     |      |         |
|     |      |         |
|     |      |         |
|     |      |         |

Йўқ қилиб ташлаш усули

\_\_\_\_\_

Йўқ қилиб ташланган жой

\_\_\_\_\_

1. Суд ижрочиси \_\_\_\_\_

2. Мол-мулкни олиб қўйишни амалга оширган ваколатли органнинг мансабдор шахси \_\_\_\_\_

3. Санитария-эпидемиология хизмати органи вакили \_\_\_\_\_

4. Ўзбекистон Республикаси  
Давлат табиатни муҳофаза  
қилиш қўмитаси вакили

\_\_\_\_\_

5. Сақлаш учун жавобгар  
шахс (ташкилот вакили)

\_\_\_\_\_

6. Холис гувоҳлар:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

335-модда

**Йўқ қилиб ташланадиган мол-мулкни ҳисобга олиш  
ДАФТАРИ**

| Т/р | Ижро иши №, суд ижрочисининг Ф.И.О. | Ижро ҳужжатининг №, санаси, ижро далолатномаси тузилган сана | Ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган | Мол-мулкни олиб қўйган орган | Мол-мулкнинг номи, сони, суммаси | Олиб қўйилган мол-мулк суд ижрочисига берилган сана | Сақлаш жойи ва унинг ўзгаргани тўғрисида белги |
|-----|-------------------------------------|--|---|------------------------------|----------------------------------|---|--|
| 1   | 2                                   | 3  | 4   | 5                            | 6                                | 7   | 8  |
|     |                                     |  |   |                              |                                  |   |  |

*Жадвалнинг давоми*

| Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш далолатномаси № ва санаси | Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш жойи ва усули | Чиқинди ва идишларни сотиш суммаси, унинг тушган санаси | Суммани тақсимлаш |                                |   | Алоҳида белгилар |
|---|---|---|-------------------|--------------------------------|---|------------------|
|   |   |   | бюджетга          | мол-мулкни олиб қўйган органга | Суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига |                  |
| 9   | 10  | 11  | 12                | 13                             | 14  | 15               |
|   |   |   |                   |                                |   |                  |

— 32 —

29 (373)-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 35-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 27 декабрдаги 609-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 111-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–331-сон қарори)» 2006 йил 6 июлдаги 130-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 48-модда) илованинг 11-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги 139-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 52-модда)

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2008 йил 16 майдаги 97-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 5-сон, 18-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**336 Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ўқишини ташкил этиш учун Япония Ҳукуматининг грантларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Япония Ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси вакилларининг Японияда ўқишини ташкил этиш учун берилаётган 244 млн. Япония йенаси грантларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Япония Ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси вакилларининг Япония етакчи университетлари магистратурасида ўқишини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўқиш учун номзодларни танлаб олиш Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА), Япония Халқаро ҳамкорлик маркази (ЈІСА), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бош вазирнинг ўринбосари Р.С. Қосимовга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Айирбошлаш ноталари ва Грант Битимини имзолаш ваколати берилсин.

3. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига — лойиҳани амалга ошириш учун беғараз ёрдам маблағларини олиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун Япония томони билан келишган ҳолда барча тартиб-қоидаларни расмийлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига — юқорида кўрсатиб ўтилган беғараз ёрдам маблағларига ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўрсатиб ўтилган беғараз ёрдамга ҳисоб-китоб хизмати кўрсатилганлиги учун Япония томонига воситачилик ҳақини вазирликнинг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртманомалари бўйича ушбу лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек улар яшаш

жойларида давлат божлари ундирилмасдан вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ушбу лойиҳа бўйича ЎСБ томонидан тайёрланган видеороликлар ва аудиоматериаллар белгиланган тартибда телевидение ва радиода жойлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Японияда ЎСА лойиҳаси доирасида ўқиган ўзбекистонлик мутахассисларнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нострификация қилинишига ва уларнинг ишга жойлаштирилишига кўмаклашсин;

уларнинг меҳнат фаолияти устидан доимий мониторинг олиб борсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 16 июль,  
201-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ****338 Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,  
инкассация ва қимматликларни ташишга доир  
йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-  
сида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1831-1*

*(2009 йил 20 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) 7 ва 17-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ–1090-сонли «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 181-модда) мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/2-сонли қарори (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 258-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 27 июнь,  
19/3-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2009 йил 27 июндаги 19/3-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,  
инкассация ва қимматликларни ташишга доир  
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 204-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«204. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги банкнинг махсус кассалари йирик нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳудудида, шу жумладан, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, деҳқон, буюм ва қурилиш материаллари бозорлари ҳудудида уларнинг маъмурияти билан тузилган шартнома асосида ташкил этилади. Шартнома тузишда 2-иловада келтирилган намунавий шартнома шаклидан фойдаланилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги банкнинг махсус кассалари фақат банк жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шаҳар ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли ҳудудий Бош бошқармасининг розилиги олингандан сўнг ташкил этилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект ҳузуридаги банкнинг махсус касса штати унинг иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда етарли миқдордаги кассирлар билан таъминланади. Бунда етарли иш тажрибасига эга бўлган кассирлардан бири банк раҳбарининг буйруғига асосан катта кассир лавозимига тайинланади ҳамда у махсус касса ишига бошчилик қилади. Катта кассир бир вақтнинг ўзида мазкур махсус касса ходимларининг ишини назорат қилиб боради.

Хўжалик юритувчи субъект ҳузуридаги банкнинг махсус кассасига тушган нақд пуллар фақат инкассация хизмати орқали банкка етказиб берилиши шарт. Бунда махсус кассага нақд пул тушумини инкассация хизмати орқали банкка етказиб бериши учун етарли миқдорда брезентдан тикилган стандарт қоп (халта)лар бириктириб қўйилади.

Банклар томонидан деҳқон, буюм ва қурилиш материаллари бозорлари ҳудудида бозорлар маъмурияти билан тузилган шартнома асосида ташкил этилган махсус кассалар фақатгина мазкур бозор ҳудудида жойлашган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлардан нақд пулдаги савдо тушумларини бевосита (самонос) қабул қилиб олишларига рухсат берилади. Шунингдек, бозор маъмуриятидан савдо қилиш жойи учун ҳақ (патта) тўловларини ва бозор томонидан кўрсатилган бошқа пулли хизматлар учун нақд пул тушумларини махсус кассага бевосита олиб келиб (самонос) топширилишига рухсат берилади.

Банкнинг хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, бозорлар маъмурияти ҳузуридаги махсус кассалари томонидан нақд пулларни бериш

билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширишлари қатъиян тақиқланади.

Махсус кассалар томонидан қабул қилиб олинган нақд пул тушумлари мажбурий тартибда инкассация хизмати орқали тўла ҳажмда ушбу махсус кассалар жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шаҳар ҳудудидаги банк филиалларига топширилиши шарт.

Махсус кассалар томонидан бозор ҳудудидан ташқарида фаолият кўрсатётган хўжалик субъектларидан нақд пул тушумларини қабул қилиб олиниши тақиқланади ва бундай ҳолат бевосита олиб келиш (самонос) сифатида баҳоланиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима ундирилишига сабаб бўлади.».

2. 325-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«325. Тижорат банклари томонидан мижозларга қулайлик яратиш мақсадида банк (филиали) биносидан ташқарида операцион кассалар ташкил этилиши мумкин.

Тижорат банки томонидан ташкил этилган ҳамда қандай номланишидан қатъи назар, барча жамғарма (омонат) кассалари, уларнинг шохобчалари ва минибанк кассалари, турли коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилувчи кассалар, валюта айирбошлаш шохобчалари (кейинги ўринларда — банкдан ташқарида жойлашган операцион кассалар) учун ушбу бобдаги талаблар бир хил тартибда қўлланилади (хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги банкнинг махсус кассалари бундан мустасно). Айирбошлаш шохобчалари (кассалари) биноларига талаблар ва иш тартиби «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 1114, 2002 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 5-сон) мувофиқ белгиланади.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида банкдан ташқарида жойлашган операцион кассалар учун банк филиали раҳбарининг буйруғига асосан, меҳнат қонунчилигига риоя этилган ҳолда, иш вақти тугагандан кейин соат 18:00дан — 21:00гача узайтирилган иш куни ҳамда дам олиш кунларида ишлаш тартиби жорий этилиши мумкин.».

3. Қўйидаги таҳрирдаги 325<sup>1</sup>-банд киритилсин:

«325<sup>1</sup>. Банк биносидан ташқарида ташкил этилган операцион кассаларга узайтирилган иш куни белгиланган тақдирда улар томонидан касса қолдиғи банкнинг кечки кассасига ушбу Ўўриқноманинг 136-бандида белгиланган тартибда инкассация хизмати орқали топширилади.

Банк биносидан ташқарида ташкил этилган операцион кассалар учун, қонунчиликда белгиланган тартибда, дам олиш кунларида ишлаш тартиби белгиланган бўлса, ушбу операцион кассаларга кун бошида мадад пуллари бериш ва иш куни тугагандан кейин улардан касса қолдиғини инкассация хизмати орқали қабул қилиш учун банк биносида дам олиш кунлари ишлайдиган навбатчи касса ташкил этилади.

Навбатчи касса учун банк биносида алоҳида хавфсизлик чоралари кўрилган хона ажратилади ва ушбу хона ёнмайдиган, иккита калит билан кулфланадиган сейф билан жиҳозланади.

Навбатчи касса ишини ташкил этиш учун иккита штат бирлиги: навбатчи касса кассири ва назоратчи бухгалтер штатлари жорий этилади. Навбатчи касса кассири ва назоратчи бухгалтер лавозимларига мос равишда банк кассаси ва бухгалтериясида етарли иш тажрибасига эга бўлган ходимлар тайинланадилар ва улар билан якка тартибда тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Навбатчи касса кассири ва назоратчи бухгалтерига алоҳида сейф калитлари ва сурғучли мухр бириктириб қўйилади.

Навбатчи кассирнинг иш вақти банкдан ташқарида жойлашган операция кассаларнинг дам олиш кунларидаги иш вақтининг бошланиши ва тушагини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

Навбатчи касса томонидан мадад пулини бериш учун навбатчи касса кассири дам олиш кунидан олдинги иш куни охирида касса мудиридан белгиланган тартибда ҳисобдорлик асосида етарли миқдордаги миллий ва чет эл валютасини банкдан ташқарида жойлашган операция кассаларга бериш учун олади. Навбатчи касса дам олиш кунлари банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалардаги миллий ва хорижий валютадаги нақд пул қолдиқларини мазкур Йўриқноманинг VII бобида назарда тутилган кечки касса учун белгиланган тартиб асосида инкассаторлар томонидан олиб келиб топширилган халталарни (қопларни) қабул қилиб олади.»

#### 4. 327-бандда:

«жойлашган ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар)да» сўзлари «жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шаҳарда» сўзлари билан алмаштирилсин; қўйидаги таҳрирдаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалар томонидан фақат аҳолидан коммунал тўловлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, турли хил давлат божлари, жарималар, мажбурий ва ихтиёрий суғурта учун тўловлар, шунингдек, омонатларга кирим қилиш учун ҳамда бошқа тўловларни амалга ошириш учун нақд пулда ёки банк пластик карточкаларидан терминал воситасида қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалар томонидан бевосита аҳолига уларнинг талабларига мувофиқ омонатларидаги пул маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.

Банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалар тушган нақд пул тушумларини инкассация хизмати орқали ҳар куни банк кассаларига топширишга мажбурдирлар.»

#### 5. 352-банд қўйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Туман ёки туманларга бўлинмаган шаҳардаги инкассация бўлимлари фақат шу туман ёки шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган доимий нақд пул тушумига эга хўжалик юритувчи субъектлар билан инкассация хизматини кўрсатиш бўйича шартнома тузишлари мумкин.»

#### 6. 356-банд қўйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда инкассация йўналиши ўзлари жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқиши мумкин эмас.»

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**339** Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан  
радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳуж-  
жатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-  
га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1388-1*

*(2009 йил 20 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 16-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 19-сон, 220-модда) ҳамда 2005 йил 16 августдаги «Матбуот, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 200-сон қарорларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 32-33-сон, 255-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 1388, 2004 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 29-сон, 340-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 июль,  
204-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**340 Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция  
фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1982*

*(2009 йил 26 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **бюраман:**

1. Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 3 июль,  
68-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирининг  
2009 йил 3 июлдаги 68-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг  
инвестицион фаолияти тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) мувофиқ суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолиятига оид талабларни белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат ижтимоий суғурта ташкилотларига нисбатан қўлланилмайди.

2. Мазкур Низом мақсадларида қўлланиладиган асосий тушунчалар:

**диверсификация** — маблағлар ёки улардан олинадиган даромадларнинг эҳтимол тутилган йўқотишлар таваккалчилигини пасайтириш мақсадида суғурталовчи (қайта суғурталовчи) маблағларининг турли қўйилма объектлари ўртасида тақсимланиши;

**Давсуғуртаназорат** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси;

**инвестициялар** — фойда олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига жойлаштириладиган суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ҳар қандай шаклдаги қўлга киритилган ёки назорат қилинадиган активлари;

**инвестиция фаолияти** — суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;

**ликвидлик** — суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ўз мажбуриятларини бажариши учун маблағларининг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда уларни пул маблағларига тезлик билан конверсиялаш имконияти;

**масъул шахс** — инвестиция фаолиятини ташкил этиш бўйича мажбурият юклатилган суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ходими;

**фойдалилик** — суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестицияларидан даромад олиши;

**қайтарилиш** — суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) маблағларини жойлаштиришнинг аниқ шароитларида инвестицион таваккалчиликни энг паст даражага келтириш орқали имкон қадар юқори хавфсизлигини таъминлаш. Ушбу ҳолатда инвестицион таваккалчилик деганда инвестициялардан олинган ҳақиқий фойда мўлжалланган фойдадан паст бўлиши эҳтимоли тушунилади.

## II. Инвестиция фаолияти объектлари

3. Қуйидагилар суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестиция фаолиятининг объектлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;

хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозлари;

банк сертификатлари (депозит сертификатлари);

кредит ташкилотларига қўйилган омонатлар (депозитлар);

кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, усқуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;

юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этиш улуши;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқариш ва муомалага киритишга рухсат берилган, ёки тегишли ваколатли орган томонидан берилган қимматли қоғозлар

бозорида савдони ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга (рухсатномага) эга бўлган хорижий эмитентлар томонидан чиқарилган ҳамда қимматли қоғозлар бозорида муомалага қўйилган қимматли қоғозлар.

4. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестицияларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган инвестиция фаолиятининг бошқа объектларига ҳам амалга ошириши мумкин.

5. Барпо этилиши ва фойдаланилиши қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган объектларга инвестиция киритиш тақиқланади.

### III. Инвестиция фаолиятига оид асосий талаблар

6. Молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ўз активларини қайтарилиш, ликвидлик, диверсификация ва фойдалилик принциплари асосида жойлаштириши лозим.

7. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестиция фаолиятини амалга оширишда қўйидаги асосий шартларга риоя этишга мажбур:

инвестициялар ва улар билан боғлиқ таваккалчиликларни малакали бошқариш;

ахборотларнинг шаффофлиги ва конфиденциаллигини таъминлаш.

8. Инвестициялар ва улар билан боғлиқ таваккалчиликларни малакали бошқариш суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан қўйидаги йўллар билан таъминланади:

суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестиция фаолиятининг асосий йўналишлари кўрсатиладиган инвестиция сиёсатини тасдиқлаш;

зарурат бўлганда, инвестиция фаолиятини ташкил этишга инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларини жалб қилиш;

инвестициялаш объектларини таҳлил қилиш ва олинган даромадлиликни даврий баҳолаш ва ҳ. к.

9. Ахборотларнинг шаффофлиги ва конфиденциаллиги қўйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборотни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ошкор этиш;

амалга оширилган инвестициялар тўғрисида таъсисчилар олдида ҳар йил ҳисобот бериш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ходимлари ва бошқарув органлари аъзолари томонидан хизмат ва махфий ахборотдан суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция сиёсатига мувофиқ фойдаланиш.

10. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестиция фаолиятини амалга оширишда қўйидагиларга мажбур:

а) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги

41-сон буйруғи билан тасдиқланган «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом» (рўйхат рақами 1806, 2008 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 178-модда) билан белгиланган суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) активларини жойлаштиришга оид талабларга ва Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низом» (рўйхат рақами 1882, 2008 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 529-модда) билан белгиланган суғурта захираларини жойлаштириш тартибига оид талабларга риоя қилиш;

б) молиявий, техник ва ахборот ресурслари мавжудлигини таъминлаш;

в) маблағларни инвестиция қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида масъул шахснинг ёзма хулосаларини олиш;

г) масъул шахснинг ушбу Низом билан белгиланган малакавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

11. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган ва суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) тўлов қобилиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган таваккалчиликларни бошқариш тизимини ташкил этиши лозим.

#### **IV. Инвестиция фаолиятини амалга ошириш тартиби**

12. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) жорий молиявий йилнинг 20 декабрига қадар кейинги молиявий йил учун суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) Кузатув кенгаши ёки бошқа ваколатли органи томонидан тасдиқланадиган инвестиция сиёсатини ҳар йил ишлаб чиқади.

13. Инвестиция сиёсати қуйидаги асосий элементларни назарда тутиши лозим:

инвестиция фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ таваккалчиликларнинг таҳлили;

суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг инвестиция фаолияти объектлари бўйича узоқ муддатли тақсимланиши;

суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг инвестиция фаолияти объектлари, географик худудлар ва иқтисодиёт соҳалари бўйича тақсимланиш лимитлари;

инвестиция фаолиятининг маълум бир объектларига инвестиция қилишнинг чекловлари ва тақиқлари;

масъул шахсларнинг қарорларни қабул қилишдаги ваколат чегаралари ва суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активларини инвестиция қилишдаги чекловларини белгилаш;

масъул шахсларга қўшимча малакавий талаблар;

масъул шахс томонидан экспертиза ўтказиш ва хулоса тайёрлаш тартиби;

инвестиция фаолияти билан боғлиқ ёмон шароитлар оқибатларини юмшатишга оид фавқулодда ҳолатдаги тадбирлар режаси.

14. Маблағларни инвестиция қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганга қадар масъул шахс зарур ҳужжатларни (бизнес-режа, ҳисоботлар ва х. к.) йиғади ва маблағларни инвестиция қилиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиши керак. Масъул шахс экспертиза натижаси бўйича зарур ҳужжатларни олган кундан бошлаб бир ҳафталик муддат ичида ўзининг ёзма ҳулосасини тайёрлайди.

15. Масъул шахс ўз ҳулосасининг тўғрилиги, объективлиги ва асослиги учун шахсан жавоб беради.

16. Инвестиция қайтарилиши муддатини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш масаласи фақатгина етарли асос бўлгандагина амалга оширилади.

17. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестиция объектлари ва турлари бўйича тақсимланиши, инвестицияларни жойлаштириш ва тугатиш саналари, фоиз ставкалари, олинган дивидендлар (фоизлар), битимлар бўйича фойдалар акс этирилган инвестициялар бўйича ички ҳисобот юритиши лозим.

18. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) қуйидагиларни ўз ичига олган қарорлар қабул қилиш ва инвестиция фаолиятидаги чекловлар бўйича мажбуриятларнинг турли бўлинмалари ўртасида тақсимланишини таъминлаш учун тегишли назоратни амалга ошириши лозим:

а) масъул шахс бухгалтерия операцияларини ўтказмаслиги, пул маблағларини қабул қилмаслиги, бухгалтерия проводкалари солиштирмасини тасдиқламаслиги ва амалга оширмаслиги лозим;

б) инвестиция фаолиятини ташкил этиш ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳамда бирламчи ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувлари билан солиштирилган бўлиши шарт.

19. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ҳар йили ўз инвестиция фаолиятининг қонунчилик шартлари ва талаблари ва тасдиқланган инвестиция сиёсатига риоя этилиши юзасидан ички назоратни амалга ошириб бориши шарт.

20. Ички назоратни олиб бориш натижалари бўйича Кузатув кенгаши ёки суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) бошқа ваколатли органига тақдим этилувчи ҳисобот тайёрланади.

## **V. Масъул шахсга қўйиладиган малака талаблари**

21. Масъул шахс қуйидаги малака талабларига мос келиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (иқтисодий, молиявий, бухгалтерия, математик) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган, ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий (иқтисодий, молиявий, бухгалтерия, математик) маълумотга эга бўлиши;

б) юридик шахснинг молиявий ва иқтисодий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши (ёрдамчи,

техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш стажи ҳисобга олинмайди).

22. Масъул шахс этиб, ушбу шахс томонидан амалга оширилган ҳаракатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилишига олиб келганлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, банкрот деб топилган ёки суд томонидан уни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтгача бир йил мобайнида юридик шахснинг раҳбари, бош бухгалтери ёки ходими бўлган шахс тайинланиши мумкин эмас.

## VI. Яқуний қоидалар

23. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) қарори ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тартибда амалга оширилиши мумкин.

24. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### **341** Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1983*

*(2009 йил 26 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазир в.б.**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 10 июнь,  
29/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирининг  
2009 йил 10 июндаги 29/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) Қонунига мувофиқ пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги пахта тозалаш ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик шахсларга (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар ишлаб чиқариш биноларини ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, цехларни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.

3. Мазкур Қоидалар Қурилиш меъёрлари ва қоидалари, Санитария қоидалари ва меъёрлари, Давлат стандартларининг тегишли нормаларини, шунингдек аниқ ишлаб чиқаришда белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа тармоқ норматив ҳужжатлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган, давлат идоралари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланади-

ган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

## II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

### 1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

6. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

7. Корхоналарда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ишчи ва хизматчилар билан ёнфинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнфин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари.



8. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозим жорий этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунди ҳамда корхонанинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

11. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

## **2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш**

12. Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари лозим.

13. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

14. Корхона маъмурияти барча ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

15. Бажариши лозим бўлган иши бўйича касб ва мутахассислигига эга бўлмаган ишчилар иш жойида бирламчи йўл-йўриқ олганларидан сўнг камида дастлабки 6 — 10 та смена давомида цех бўйича фармойиш билан

тайинланган тажрибали ишчилар ва муҳандис-техник ходимларнинг раҳбарлиги остида хавфсиз иш услубларига ўқитилишлари лозим. Ўқитиш корхона бош муҳандиси томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича ўтказилиши керак.

16. Ишга янги қабул қилинган ёки ўз мутахассислиги бўйича бир цехдан бошқа цехга ўтказилган ишчилар ишга қўйилишдан олдин бевосита иш жойида участка устаси ёки бошлиғидан бехатар иш услублари бўйича йўл-йўриқ олишлари шарт.

17. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилади ва ишловчилар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш корхона раҳбарияти зиммасига юклатилади.

### **3-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш**

18. Ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

19. Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёردа сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик ток ва усқуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

20. Жамоавий ҳимоя воситалари (вентиляция, аспирация, ерга улаш, маҳаллий сўргичлар ва бошқалар) зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омиллари хонадаги барча ишловчиларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва корхонани қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

21. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишлар амалга оширилиши тақиқланади.

22. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича:

сут (шунга тенг бошқа озик-овқат маҳсулотлари);

даволаш-профилактика озиқ-овқати;

газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);

махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий химоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши лозим.

23. Шахсий химоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ишловчилар, уларнинг қўлланиши, химоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

24. Корхона маъмурияти ёки иш берувчи қуйидагиларни таъминлаши шарт:

амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий химоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

химоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга оширишни;

қўлланилаётган химоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текширишни;

шахсий химоя воситаларидан хавфли ва захарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилишни (бир марта қўлланиладиган химоя воситалари бундан мустасно).

25. Ходимлар Пахта тозалаш ва каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги химояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига (рўйхат рақами 1925, 2009 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 138-модда) мувофиқ якка тартибдаги химоя воситалари билан таъминланиши лозим.

#### **4-§. Касбий танлов**

26. Корхона ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олиниши лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сифимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

27. Ўта хавфли ишларга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

28. Ўта хавфли ишларга хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланиш фақат белгиланган тартибда тасдиқланган, махсус ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларга эга бўлган шахсларга рухсат этилиши лозим.

29. Корхона мутахассислари, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига, меҳнатни муҳофаза қилиш

талабларига мос даражада ишларни ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

30. Корхона ходимлари ишларни хавфсиз юритишга ўқитилиб, олинган билимлари Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ синовдан ўтказилиши ва белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

31. Касбий танловдан сўнг ишга қабул қилинган ходимларни касбий маҳорати юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назорат ўрнатиш, зарур бўлганда қайта йўл-йўриқдан ўтказиш лозим.

32. «18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (рўйхат рақами 1040, 2001 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 11-сон) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитидаги ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

33. Корхона маъмурияти ёки иш берувчи хавфлилик даражаси юқори бўлган ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва уларга нисбатан белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда амалга ошириш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

#### **5-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш**

34. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўриқка келишини таъминлаши лозим.

35. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

36. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни маъмурият ишга қўймасликка ҳақлидир.

37. Соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.

38. Тиббий кўриқлар корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

39. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмита-

си тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

40. Даврий тиббий кўриklar ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик корхонанинг маъмурияти зиммасига юкланади.

41. Ходимларни соғлиги туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

### **6-§. Санитария ва гигиена талаблари**

42. Иш ҳудудида ҳаводаги зарарли моддаларнинг миқдори ГОСТ 12.1.005-2000 ССБТ «Иш зонасидаги ҳаво. Умумий санитария-гигиена талаблари»га асосан рухсат этилган миқдорларидан ошмаслиги лозим.

43. Ишлаб чиқариш хоналарида рухсат этилган ҳарорат, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги иш жойларидаги ортиқча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра, йил мавсуми ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши керак.

44. Ишлаб чиқариш хоналарида шовқин ва тебранма даражаси ГОСТ 12.1.003-89 ССБТ «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари», ГОСТ 12.1.012-90 ССБТ «Тебранма. Умумий хавфсизлик талаблари» талабларида белгиланган миқдоридан ошмаслиги лозим.

45. Ишлаб чиқариш, санитария-маиший хоналарнинг, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарининг ёруғлиги ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёруғлик. Лойиҳалаштириш меъёрлари» талабларига жавоб бериши лозим. Шунингдек, тоза хоналарда ёритиш асбоблари чанг тўпланишига имконият бермайдиган конструкцияга эга ва синган тақдирда унинг парчалари сочилиб кетмаслиги учун ёпиқ бўлиши лозим.

46. Электр тоқининг одамга таъсир этишини олдини олиш бўйича хавфсизлик талаблари ГОСТ 12.1.019-86 ССБТ «Электр хавфсизлик. Умумий талаблар»га мувофиқ бўлиши лозим.

47. Статик тоқдан ҳимоя қилиш тадбирлари ГОСТ 12.1.18-93 ССБТ «Статик электр. Учқун хавфсизлиги. Умумий талаблар» талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

48. Ишлаб чиқариш, санитария-маиший хоналарни, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарини гигиеник жиҳатдан тоза сақлаш ва ходимларнинг шахсий гигиенасига қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

49. Зарарли ва хавфли меҳнат шароити мавжуд ишлаб чиқаришларда, шунингдек махсус ҳароратли шароитлардаги ёки ифлосланиш билан боғлиқ бўлган ишларда банд бўлган ходимларга давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювувчи ва инфекцияни йўқотувчи воситалар, сут ёки унга тенглаштирилган маҳсулотлар, даволовчи профилактик овқат бепул берилиши керак.

### **7-§. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарига қўйиладиган талаблар**

50. Корхона ўз маҳсулотининг сифатига салбий таъсир этувчи ишлаб чиқаришлардан етарлича узоқ бўлган масофада жойлашган бўлиши лозим.

51. Корхоналарнинг биноларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ҚМҚ 3.01.02-00 «Қурилишда хавфсизлик техникаси» қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

52. Атмосфера ёнғинларини чиқариб юбориш учун мўлжалланган оқова сув тарновлари тасдиқланган жадвалга мувофиқ мунтазам равишда тозаланиши ва таъмирланиши лозим.

53. Йўллар, ўтиш йўллари ва бинолар, қурилмалар ҳамда иншоотлар орасидаги ҳудудлардан материалларни сақлаш учун фойдаланиш, уларга ускуналар ёки ишлаб чиқариш чиқиндиларини тахлаб қўйиш ман этилади.

54. Корхона ҳудудида чекишга фақат махсус ажратилган, «Саноат корхоналарида ёнғин хавфсизлиги бўйича намунавий қоидалар» ШМҚ 2.01.02-04 га мувофиқ жиҳозланган жойларда рухсат этилади.

55. Ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналар автоматик ёнғинни ўчириш воситалари ва автоматик ёнғиндан хабар берувчи сигнализация билан жиҳозланган бўлиши лозим.

56. Корхона маъмурияти бинолар ва иншоотларни сақлаш, уларни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш устидан назоратни амалга ошириши шарт.

57. Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво оқимини бошқарувчи ускуналар ва ҳарорат, намлик ва филтрларда босим ўзгаришини ўлчаш мосламалари билан жиҳозланган самарали ҳаво оқимини олиш ва ҳаво тортиш вентиляция тизими мавжуд бўлиши лозим.

### **8-§. Маиший ва қўшимча хоналарга, уларнинг сони, ҳолати ва жойлашувига қўйиладиган талаблар**

58. Ҳар бир корхонада ҚМҚ 2.09.12-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший хоналари» қоидалари талаблари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ санитария-маиший ва қўшимча хоналар қурилиши лозим.

59. Маиший ва қўшимча биноларни лойиҳалаш ҳамда қуриш уларни ишлаб чиқариш объектлари билан бир пайтда ишга тушириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

60. Маиший хоналар имкон қадар иш жойларига яқин жойлаштирилиши зарур.

61. Махсус кийим-кечак ва баданнинг катта даражада ифлосланишини юзага келтирадиган муҳитдаги участкаларда ишловчи ходимлар учун махсус маиший хоналар жиҳозланиши лозим.

62. Уй ва иш кийимлари сақланадиган гардероблар, хожатхоналар, ювиниш ва чўмилиш хоналари эркаклар ва аёллар учун алоҳида бўлиши лозим.

63. Кийим алмаштириш хоналари, душхоналарнинг ўлчамлари, душ сет-

калари, оёқ ванналари, бет-қўл ювгичлари, истеъмол сув таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва шу кабилар қурилмаларнинг сони, кўпчиликни ташкил этадиган сменада ишловчиларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши лозим.

64. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим. Ҳожатхоналарнинг поллари қуруқ ҳолда сақланиши лозим.

65. Ҳар бир ювиниш жиҳози иссиқ ва совуқ сув келадиган қувурларга уланган бўлиши лозим.

66. Ювиниш хоналарида электр қуритгичлар, кўзгу, кийим илгичлар, суюқ совун учун идишлар ва қаттиқ совун солгичлар, шунингдек, энг кўп сонли сменада 40 кишига битта қурилма ҳисобидан келиб чиққан ҳолда қўлни хлорли эритмада ювиш мосламаси кўзда тутилиши лозим.

67. Махсус кийимни ювиш учун корхоналарда кир ювиш хоналари бўлиши лозим.

68. Овқатланиш пунктлари умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган санитария қоидалари талабларига жавоб бериши лозим.

### **9-§. Сув таъминоти ва канализацияга қўйиладиган талаблар**

69. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 «Би-ноларни ички сув қузури ва канализацияси» талабига мос келиши керак.

70. Корхонани хўжалик-ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун сув билан таъминлаш манбалари О“ZDST 950:2000 «Ичимлик суви» талабига мувофиқ бўлиши лозим.

71. Корхонани ишлаб чиқариш оқова сувлари, ташқи канализацияга етиб келгунча зарарли моддалардан тозаланиши керак.

72. Тозалангандан сўнг сувда зарарли моддаларни таркиби саноат корхоналарини лойиҳалаштириш санитар нормалари ўрнатган, чегараланган рухсат этилган концентрациясидан ошиб кетмаслиги керак.

73. Агар ичимлик сувнинг сифати хавфсизликни таъминлай олмаса, махсус хона ажратилиб, унда қайнатиб совутилган сув ёки иссиқ чой тарқатилади.

74. Ичимлик сув сақланадиган идишлар зангламайдиган ва енгил тозаланадиган ва дезинфекцияланувчи материаллардан, копқоғи зичлаб берки-тиладиган қилиб ясалади.

75. Ичишга тарқатиладиган сувнинг ҳарорати 20°Сдан кўп ва 8°С дан кам бўлмаган ҳолда бўлиши ва қайнатилган сув ҳар сменада камида бир марта янгиланиб турилиши керак.

76. Оқова сувларини ҳосил қилиш ва сув ҳавзаларига тушириш ҚМҚ 2.04-01-98 «Оқова. Лойиҳалаштириш меъёрлари» ва ҚМҚ 2.04-03-97 «Оқова. Ташқи тизимлар ва иншоотлар» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

77. Бутун ташқи оқова тизими ёпиқ бўлиши лозим. Ёрингарчилик (ём-ғир) сувлари ва ювиш учун хизмат қиладиган сувлар учун мўлжалланган очиқ майдончаларда новлар (лотоклар) ўрнатилиши керак.

78. Цехлар ичидаги ифлосланган ишлаб чиқариш оқова сувлари учун оқова ёпиқ бўлиши лозим.

79. Суюқ ҳолдаги ишлаб чиқариш чиқиндиларининг оқиб тушиш тизимлари суюқлик орқа томонга оқиб тушишини бартараф этиш учун мослаштирилган бўлиши лозим. Ушбу чиқиндилар ўтадиган жойлар тегишли вентиляция билан жиҳозланиши лозим.

80. Ўзига хос ифлосланишлардан тозалаб бўлмайдиган оқова сувлари махсус ажратилган жойларга оқизилиши керак.

81. Корхона ишлаб чиқариш ва маиший оқова сувларининг тозаланиш самарадорлиги юзасидан мунтазам лаборатория назоратини таъминлаши шарт.

### **11-§. Иш жойларини ва хоналарни ёритишга қўйиладиган талаблар**

82. Корхона майдонида, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва хоналарда табиий ва сунъий ёритишлар ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши керак.

83. Ёритиш ускуналарини ўрнатишда қандилларнинг турлари, лампаларнинг қуввати ва уларнинг жойлашиши тасдиқланган лойиҳага мос бўлиши керак. Монтаж пайтида ва ундан сўнг ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар амалдаги меъёрларга жавоб бериши ва лойиҳага тегишли ўзгартириш киритилган ҳолда амалга оширилиши керак.

84. Бир текис тақсимланган умумий ёруғлик қандиллари машиналар гуруҳи орасидаги йўлакларда, полдан 4,5 — 6 метр баландликда, локаллашган умумий ёруғлик қандиллари эса иш камералари тарафидан шнекларни бошқариш баландлигида ва оператор тарафидаги майдончадан 2 — 2,5 метр баландликда жойлаштирилиши лозим.

85. Ишлаб чиқариш цехларидаги, хом ашё омборлари ва юк тушириш-ортиш майдонларидаги технологик ускуналар қўшимча равишда кўчма ёритиш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

86. Ишлаб чиқариш лабораториясида ёритишнинг комбинациялашган (умумий ва маҳаллий) системасини ёки локаллашган системасини қўллаш керак.

87. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналардан одамларни эвакуация қилишга мўлжалланган авария ёруғлиги тегишли ҚМҚ талабларига биноан бажарилиши керак.

88. Авария ёруғлиги қандиллари, иш ёруғлиги тармоғидан алоҳида мустақил тармоққа уланиши керак.

89. Ташқи ёритиш системаси, ички ёритиш системасидан қатъи назар, мустақил бошқариш пултига эга бўлиши керак.

90. Корхоналар асосий ишлаб чиқариш цехларида, лабораторияларида, тарозихоналарида асосан люминесцент лампалар қўйилиши керак. Бунда



асосий технологик цехларда оқ ранг берувчи (ЛБ) лампалар, лаборатория ва тарозихоналарда ЛДЦ-1 ва ЛД туридаги лампалар ишлатилиши керак.

91. Енгил алангаланувчи ва ёнувчан суюкликлар омборида ҳамда аккумуляторларни зарядлаш хоналарида фақат портлашдан ҳимояланган қандиллар ишлатилиши лозим.

92. Қандилларни, ойналарни, фонарларни мунтазам равишда ҳар ойда бир марта ювувчи моддалар билан тозалаб турилиши ҳамда куйган лампаларни алмаштириш хавфсизликни таъминловчи ускуна ва мосламалар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

93. Қандилларни ўрнатиш ва тозалаш, лампаларни алмаштириш ҳамда электр тармоқларини созлаш ишлари электр токи ўчириб қўйилган ҳолда ва бу ишларни бажаришга рухсати бор шахс томонидан бажарилиши керак.

94. Ёритиш ускуналарини тўғри ишлатиш ва техник ҳолатини назорат қилиш корхона бўйича буйруқ билан тайинланган ва техник тайёргарлиги етарли бўлган шахсга топширилади.

### **III. Ишлаб чиқариш (технологик) жараёнларига қўйиладиган талаблар**

#### **1-§. Материаллар омборларига ва юк ортиш-тушириш майдончаларига қўйиладиган талаблар**

95. Корхона ҳудудига келадиган материаллар ва ускуналар учун шу мақсадга ажратилган ва тайёрланган махсус омборлар ҳамда юк ортиш-тушириш майдончалари бўлиши ва уларнинг тузилиши ва жойлашиши «Умумий мақсадлар учун омбор бинолари ва иншоотлари» ҚМҚ талабларига мос бўлиши керак.

96. Омборларда материалларни тахлаш усуллари ёритилган меҳнат муҳофазаси ва ёнгин профилактикаси бўйича йўриқнома кўринарли жойга осиб қўйилади. Бу йўриқномада ушбу омборда қандай материаллар, қанча миқдорда, қандай идишда сақланиши мумкинлиги кўрсатилиши керак. Кўринарли жойларга юкларни жойлаш ва ортиш схемаси осиб қўйилиши лозим.

97. Корхоналардаги юк ортиш-тушириш эстакадалари, майдончалари, платформаларининг поллари вагон поли ёки автомобиль кузови текислиги билан баробар бўлиши керак.

98. Юк ортиш майдончаси периметри бўйича (бундан юк ташиш транспорти йўли мустасно) баландлиги 30 см.ли мустаҳкам ҳимояловчи тўсиқ билан тўсилиши лозим.

99. Юк ортиш-тушириш майдончалари ва эстакадалари текисланган ва асфальтланган бўлиши керак. Унинг сатҳи сув тўпланмайдиган бўлиши ва қиш вақтида мунтазам равишда қор ва муздан тозалаб турилиши керак.

100. Босим остида бўлган баллонлар сақланадиган омборлар, «Саноат-контехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган «Босим остида ишловчи идишларни хавфсиз ишлатиш ва сақлаш Қоидалари» талабларига мос бўлиши керак.

101. Сиқилган газ, шу жумладан кислород махсус шамоллатиладиган, очиқ аланга манбаларидан ва пайвандлаш жойларидан ҳимояланган, биринчи қаватда жойлашган ва корхона ҳудудига алоҳида чиқиладиган хонага жойлаштирилиши лозим.

102. Кальций карбиди захираси қурук, яхши шамоллатиладиган, ёнмайдиган ва ташқаридан ёритиладиган хоналарда сақланиши керак.

103. Кальций карбидини ертўлаларда сақлаш тақиқланади.

104. Битта омборда кальций карбиди билан бирга, сиқилган газ тўлдирилган баллонлар, ҳамда кислородли баллонлар ва ёнувчи газлар сақланиши тақиқланади.

105. Кислота алоҳида хонада сақланиши керак. У хонада фақат дистилланган сув бўлиши мумкин.

## **2-§. Юкларни кўтариш ва ташишда хавфсизлик талаблари**

106. Қўлда кўтариш ва ташишда белгиланган меъёрларидан ортиқ юкларни кўтариш ва ташиш ишлари механизациялаштирилиши керак.

107. Барча механизм ва юк кўтариш ускуналари «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган «Юк кўтариш кранларини хавфсиз ишлатиш Қоидалари»га мос бўлиши керак.

108. Юкни илувчилар иши, шу ишларни хавфсиз бажариш йўриқнома-сига биноан бажарилиши керак.

109. Пахта тойлари, боғлам ва шу каби нарсаларни электротельфер билан кўтаришда илгакни кўтариш чегаралагичи бўлиши керак.

110. Электротельфер, илгагидан тойлар тушиб кетишини олдини олиш учун ҳимоя қурилмалари билан таъминланган бўлиши керак.

111. Юкларни кўтариш ва ташиш вақтида тугун ва сиртмоқларни тўғри-лаш ва сирпаниб кетган арқонни тўғрилаш тақиқланади. Юкни одамлар устидан кўтариб ўтиш тақиқланади.

112. Юк кўтариш-ташиш ускуналарининг техник ҳолати ва тўғри ишлатилиши устидан назорат буйруқ билан тайинланган, махсус ўқитилган, аттестациядан ўтган муҳандис-техник ходимга топширилиши лозим.

113. Юк кўтариш ускунасига кўтариши мумкин бўлган юкнинг оғирлик чегараси, ўтказилган синовнинг вақти ва келгуси синов вақти ёзиб қўйилиши керак.

114. Транспорт воситалари ўлчамлари ва конструкцияси, ташиладиган юкнинг ўлчамига мос бўлиши керак.

## **3-§. Ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талаблари**

115. Ишлаб чиқаришда ўрганилмаган ёнғин ва портлаш хавфи ва токсик хусусиятларига эга бўлган моддалар ва материалларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш тақиқланади.

116. Технологик объектларнинг портлаш хавфлилиги ҳолати юзасидан белгиланган тартибда назорат ўрнатилиши лозим.

117. Технологик жараёнлар жойлаштирилган бинолар ва хоналарнинг портлаш жихатидан хавфлилик тоифалари лойиҳа ташкилоти томонидан ТЛТМ 24-86 «Технологик лойиҳалаштириш тармоқ меъёрлари»га мувофиқ ҳар бир ҳолат учун алоҳида аниқланиши керак.

118. Технологик жараёнларни амалга оширишда ёнғинлар, портлашлар, авариялар, захарланишлар содир бўлиши ҳамда атроф муҳит ишлаб чиқариш чиқиндилари (оқова сувлари, вентиляция чиқиндилари ва шу каби) билан ифлосланиш эҳтимолини истисно этадиган шароитлар таъминланиши лозим.

119. Барча ишлаб чиқариш цехлари, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборхоналари, маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

120. Вентиляция тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган бўлиши лозим.

#### **4-§. Шовқин ва титрашга қўйиладиган талаблар**

121. Шовқин даражаси иш жойларида, хоналарда ва корхона ҳудудида ГОСТ 12.1.003-83, титраш даражаси эса ГОСТ 12.1.012-90 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

122. Иш жойларида шовқин ва титраш даражасини мунтазам назорат қилиб туриш керак. Агарда у белгиланган меъёрлардан юқори бўлган ҳолларда уни пасайтириш учун қуйидаги тадбирлар қўлланиши лозим:

деталларнинг зарбали ҳаракатларини зарбасиз ҳаракатларга, илгариланма-қайтма ҳаракатларни айланма ҳаракатларга ўзгартириш;

шовқин чиқарувчи агрегат ёки унинг айрим қисмларига шовқинни тўсувчи қобиклар ўрнатиш;

агрегатдан чиқаётган аэродинамик шовқинларга қарши самарали товуш сўндиргичлар қўллаш;

шовқинли ускуналарни (вентилятор, компрессор) тўсилган хоналарда ёки цехдан ташқарида жойлаштириш;

титрашни камайтириш учун, унинг манбаларини (электр двигателлар, вентиляторлар ва шунга ўхшашлар) мустақил полдан ва бинонинг бошқа конструкцияларидан изоляцияланган пойдеворларда ёки махсус ҳисоблаб чиқилган амортизаторларга ўрнатилиши керак. Бу агрегатларни бино конструкцияларига қаттиқ маҳкамлаб қўйиш тақиқланади;

ишчилар дам олиши учун шовқиндан изоляцияланган хоналар ташкил қилиш;

ишчиларни эшитиш аъзоларини шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш.

123. Асбоблар, механизм ва ускуналарда ишлаётган ишчиларнинг қўлига берилаётган титраш ҳамда иш жойларидаги умумий технологик титраш давлат стандартлари ва санитария меъёрларида белгиланган меъёридан юқори бўлмаслиги керак.

124. Ишлаб чиқариш хоналарида шовқинни техник воситалар билан бартараф этишнинг иложи бўлмаса, шахсий ҳимояланиш воситаларидан фойдаланиш керак.

### **5-§. Ишлаб чиқариш ускуналари автоматик ўчишини таъминловчи назорат ва технологик жараёнларни бошқариш тизимлари**

125. Портлаш жиҳатидан хавфли технологик жараёнлар учун технологик ускуналарда аварияга қарши ҳимоя тизимлари назарда тутилади.

126. Аварияга қарши ҳимоя тизимлари технологик жараённи бошқаришнинг умумий тизимига уланган ҳолда бўлиши лозим.

127. Аварияларни олдини олиш мақсадида технологик тизимларда аварияга қарши қурилмаларни, жумладан, қулфлаш, клапанлар, ажратувчи ва бошқа ўчирувчи ҳамда босим қиймати ошиб кетишига қарши сақловчи қурилмаларини қўллаш тавсия қилинади.

128. Технологик жараённи олиб бориш хавфсизлиги аниқ бир параметрлар (ҳарорат, босим ва бошқалар) билан белгиланадиган барча аппаратларда сигнал берувчи, ростловчи, ўзиёзар, кўрсатувчи ва бошқа асбоблар ўрнатилган бўлиши лозим.

129. Меҳнат шароитлари хавфсизлигини таъминлаш ва технологик жараённинг параметрларини назорат қилиш учун ишлаб чиқаришлар назорат-ўлчов асбоблари, авария, огоҳлантирув ва технологик сигнализациялар билан таъминланган бўлиши лозим.

130. Корхона ва цех раҳбарияти қонун ҳужжатларига мувофиқ зарарли иш шароитларини бартараф этиш, бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш ва иш жойларини тегишли санитария-гигиена талабларига мос ҳолда сақланишини таъминлаш бўйича зарурий чораларни кўриши шарт.

### **6-§. Пахтани ташишда хавфсизлик талаблари**

131. Автомашина ёки тракторларда ҳамда механизмлар ёрдамида бажариладиган ортиш-тушириш ишларида ишлашга қуйидаги шахсларга рухсат берилади:

18 ёшга тўлганлар;

ушбу касбда ишлашга ҳуқуқи борлиги ҳақида гувоҳномаси бор шахслар;

техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома олган ва имтиҳон топширган шахслар;

тиббий кўрикдан ўтганлар.

132. Автомобиллар ва тракторларнинг газ чиқариш қувурлари соzланган учқун ўчиргич билан таъминланган бўлиши керак.

133. Пахта хом ашёсини ташишда тракторга тўрттадан ортиқ тиркама улаш тақиқланади.

134. Пахта тайёрлаш пунктларида трактор ва автомобилларнинг тезлиги 10 км/с дан, бурилишларда эса — 5 км/с дан ошмаслиги керак.

135. Тиркама аравани орқага юрғазишда унинг бурилиб кетмаслиги чорасини кўриш керак. Орқага юрғазиш учун яқинида турган одамларни огоҳлантириш ва товуш сигнали бериш керак.

136. Пахтани автомашина, трактор ва тиркамаларда ташилганда, улар бортларидан пахта ошиб кетмаслиги ва брезент ёки қалин мато билан ёпилиши ва бортнинг ҳамма томонидан 10 — 15 см пастга тушиб туриши керак. Устига тўшалган брезент ёки мато арқон билан боғлаб қўйилади.

137. Автомобиль, трактор ва тиркамалар бортларида одамларни ташиш тақиқланади.

138. Автотранспорт воситаларининг бортлари устига брезентларни тортиш ёки тушириш учун чиққанда юқори учига илгак илинган тиркама нарвонлардан ёки кузовларда мавжуд бўлган вертикал нарвонлардан фойдаланилади. Автомобиль кузови устида пахтани зичловчилар ҳимоя камарлари ва узунлиги 2,6 м бўлган, қарама-қарши бортларга боғланган арқонлар билан таъминланишлари керак.

139. Автотранспорт бортида пахта бор вақтда учқун чиқарувчи асбоб-анжомлардан фойдаланган ҳолда созлаш ишларини олиб бориш тақиқланади.

### **7-§. Пахтани ғарамларга ва омборларга жойлашда хавфсизлик талаблари**

140. Механизмлар ёрдамида пахтани ғарамларга жойлашда уларнинг баландлиги 8 м дан ошмаслиги керак.

141. Пахтани ғарам майдонига қабул қилувчи-узатувчи ва тасмали транспортёр ёрдамида узатиб берилади.

142. Механизация воситаларини ишга туширишдан олдин машина ёнидаги ва ғарам устидаги одамларни овоз билан огоҳлантириш керак.

143. Ғарам майдонига бирваракайига иккита транспортёр ўрнатилади, уларнинг ҳар бири ғарамнинг узунлиги бўйича ярмига пахта узатиши лозим.

144. Сутканинг қоронғи вақтларида ғарам майдонлари махсус мачталарга ўрнатилган прожекторлардан ёритилиши керак.

145. Баландлиги 5 м дан ортиқ бўлган ғарамларга кўтарилишда сурилувчи нарвонлардан фойдаланиш керак. Бу нарвонларда ишлашга махсус ўқитилган, унинг тузилишини яхши биладиган, унда хавфсиз ишлаш усуллари биладиган шахсларга рухсат берилади. Баландлиги 5 м гача бўлган ғарамлардан тушиш ва чиқиш тиркама нарвонлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

146. Пахта ғарамларида туннел қазишни ғарам ўрнаша бошлагандан сўнг 10 — 12 кун ўтказиб бажарилади ва бунга албатта наряд-рухсат олиши шарт.

147. Туннел қазиш ишини қўлда бажаришда, бу ишни камида икки киши бажаради, улардан биттаси ғарамнинг ташқарисида туриши лозим.

### **8-§. Ғарамлардан пахтани титиб олишда хавфсизлик талаблари**

148. Ғарамдан пахтани титиб олувчи машина ишини ташқаридан туриб бошқариш пульти орқали амалга оширилади. У машина ўқидан чапга ёки ўнгга камида 5 м ва ғарамдан камида 10 м масофада бўлиши керак.

149. Пахтани ғарамдан титиб олувчи машина тишларининг учи (фреза қозиклари) рангли металлдан ёки пластмасса бўлиши керак.

150. Пахтаси титиб олинаётган ғарам атрофи 2 м масофада арқон билан ўраб қўйилади ва «Хавфли майдон» деб ёзилган огоҳлантирувчи белги қўйилади.

151. Машина ҳаракатланаётган вақтда кабелни суришга ишчида албатта диэлектрик қўлқоп бўлган тақдирдагина рухсат берилади.

152. Пахтани ғарамдан биринчи марта олишда 15 — 20° нишабликда олиш керак.

153. Машинада иш вақтида пайдо бўлган носозликни бартараф қилиш учун уни ғарамдан камида 5 м узоқликка олиб бориш, стрелкасини пастки ҳолатига тушириб, электр манбаидан узиб қўйиш керак.

### **9-§. Пахтани ғарамдан ва ёпиқ омборлардан қўлда олишда хавфсизлик талаблари**

154. Пахтани ғарамлардан ва ёпиқ омборлардан қўлда олишга фавқулодда ҳолларда, машиналар бузилиб қолганда рухсат этилади.

155. Пахтани ғарамнинг устида туриб пастга ташлаётган ишчилар химояловчи мосламалардан фойдаланишлари керак.

156. Ғарамдан пахтани олиш унда тик деворлар ҳосил қилиш ва катта пахта бўлақларини ерга ёки транспортёр тасмасига ташлаш тақиқланади.

157. Ғарамнинг пастки қисми икки метр масофада арқон ёки сим билан ўраб қўйилади ва «Хавфли майдон» деб ёзилган огоҳлантирувчи белги осиб қўйилади.

## **IV. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

### **1-§. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган умумий талаблар**

158. Барча қўзғалмас ускуналар, агрегат ва дастгоҳлар ишлаб чиқарган завод кўрсатмасига биноан мустаҳкам асосларга ва пойдеворларга ўрнатилиши лозим.

159. Барча айланувчи ва ҳаракатланувчи қисмлар (валларнинг чиқиб турган учлари, ҳаракат узатувчи тасмалар ва бошқалар) тўсилган бўлишлари керак.

160. Тўсиқлар мустаҳкам, енгил, ишончли равишда маҳкамланган бўлиши ва қисиб қолувчи тирқишлари, кесиб олувчи ва ўткир бурчаклари бўлмаслиги керак.

161. Оғирлиги 5 кг дан ортиқ бўлган тўсиқлар ушлаш учун қулай дастакларга эга бўлиши керак.

162. Ўзидан чангли ҳаво чиқарувчи ишлаб чиқариш ускуналари зичлаб беркитилиши ва чанг ҳавони сўриш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

163. Янги ўрнатилган ёки капитал созлашдан чиққан ускуналарни хавфсизлик техникаси муҳандиси иштирокида далолатнома тузилгандан кейин ишлатишга рухсат берилиши лозим.

164. Машинани созлаш, тозалаш, мойлаш ва камчиликларини бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажариш электр таъминотидан узиб қўйилган, бутунлай ҳаракатдан тўхтаган ва огоҳлантирувчи белги осиб қўйилган ҳолатда бажарилиши лозим. Машинани юрғазиб белгини осиб қўйган шахс томонидан амалга оширилиши керак.

165. Тўсиқларнинг ва химояловчи мосламаларнинг ҳамда асбобларнинг созлиги цех (бўлинма) раҳбарияти томонидан мунтазам текшириб турилиши керак.

166. Монтаж ва демонтаж вақтида қўлланадиган тагликлар ва кўтариш механизмлари иш бошлашдан аввал синаб кўрилиши керак.

167. Ишлаб турган корхоналарда монтаж ва демонтаж ишларини олиб боришда очик аланга ҳамда учқун чиқарувчи турли механизм ва мосламалардан фойдаланиш тақиқланади.

168. Мойланган артиш материалларини (латталар) фақат металл яшиқларда сақлаш ва ишлатилганларини ёқиб юбориш ёки завод ёнғин хавфсизлиги белгилаган жойга ташлаш лозим.

## **2-§. Электр ускуналарни ишлатиш вақтида электр хавфсизлиги талаблари**

169. Электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишлатиш вақтида «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари» (ИЭҚ ТЭҚ) (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 317-модда) ва «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари» (ИЭҚЭҚ ХТҚ) (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) талабларига риоя қилиш керак.

170. Ҳар бир корхонада маъмурият буйруғи билан тегишли муҳандистехник ходимлардан корхона электр хўжалигининг умумий ҳолати учун жавобгар шахс тайинланиши ва ундан ИЭҚЭҚ ХТҚ ва мазкур Қоидаларни бажарилишини таъминлаш талаб этилиши лозим.

171. Шахснинг билими текширилиб, электр хавфсизлиги бўйича кучланиши 1000 V гача бўлган электр ускуналарга IV гуруҳ, электр хавфсизлиги бўйича кучланиши 1000 V ва ундан юқори бўлган ускуналар бўйича V гуруҳ

берилгандан кейин жавобгар шахсни тайинлаш ҳақидаги буйруқ чиқарилади. Корхонада бош энергетик лавозими бўлса, электр хўжалиги бўйича жавобгарлик унга юкланади.

### **3-§. Винтли конвейерлар (шнеклар) ва элеваторларга қўйиладиган талаблар**

172. Конвейерлар жойлаштирилган ер ости каналлари олинадиган металл қопқоқлар билан ёпилиши керак.

173. Винтли конвейерларнинг қопқоғи тарновига шарнирлар билан бириктирилиши, ичига ботиб турадиган очиш учун дастаги бўлиши ва конвейернинг зичлигини яхши таъминлаши керак.

174. Қопқоқлар конвейер электр двигатели билан блокировка қилинган бўлиши ва очилган пайтида  $100 - 110^\circ$  да яхши ўрнашиши ва қайта ёпилиб қолиш эҳтимоли бўлмаслиги керак.

175. Винтли конвейер ер устидан ўтган ҳолларда унинг устидан ўтиш учун кўприкча ясалиши ва ўтиш майдончаси юзаси сирпаниб кетмаслик учун ғадир-будур бўлиши лозим.

176. Агар винтли конвейер 2 метр ва ундан баланддан ўтса, унинг бутун узунлиги бўйича эни 0,7 метрли иш майдончаси қилиниши ва баландлиги 0,9 метрли тўсиқ билан таъминланиши, полининг атрофи баландлиги 0,1 метр тўсиқ билан ва унга чиқиш учун тўсиқли нарвон билан таъминланиши керак.

177. Конвейер ҳар бир жин ва линтер қаршисидаги лоток остидан чигитларни ажратиб олиш учун яхши маҳкамланган панжара билан таъминланиши керак.

178. Шнекни созлаш ёки унинг тарновини тозалаш ишлари, конвейер тўла тўхтатилган ва тасодифий юриб кетишининг олдини олувчи блокировка соз бўлгандагина амалга оширилиши лозим.

179. Ҳаракатланувчи қисмлари тўсилмаган, ўчиргич мосламалари созланмаган ёки қопқоқларнинг блокировкаси ўрнатилмаган ҳолларда уларни ишлатиш тақиқланади.

180. Элеваторларни нарвонлар билан таъминланган қўзғалмас майдончалари бўлиши керак. Майдончаларнинг атрофи 0,9 метр баландликда тўсилган ва пастида 0,1 метр тўсиғи бўлиши керак.

181. Элеватор қобиғи пастки таранглаштирувчи барабандан 2-2,5 метр баландликда жойлашган назорат дарчаларига эга бўлиши керак.

182. Элеваторнинг пастки қисмида баландлиги 1 метр бўлган тўсиқ ёпқичи бор эшиги бўлиши керак.

183. Элеваторнинг пастки қисмида чанг сўриш системаси бўлиши керак.

### **4-§. Пахтани қуритиш ускуналарига қўйиладиган талаблар**

184. 2СБ-10 маркали қуритиш ускунаси ҳаракат узатиш қисмининг



тўсиғи зичлаб беркитилиши ва электр двигатели билан блокировка қилиниши керак.

185. Қуриган пахта йиғиладиган чуқурча атрофида 1 метрли тўсиқ ва ёпқич билан таъминланган эшик бўлиши керак. Ёнма-ён икки ва ундан ортиқ қуритгич ўрнатилган тақдирда, қуриган пахта учун битта умумий чуқурча қилиниши ва ўтиш кўприкчаси билан таъминланган бўлиши керак.

186. Барабан ичида бажариладиган барча созлаш ишларига иссиқ ҳаво тўхтатилиб, барабан ичидаги ҳамма пахта чиқариб олингач, совуқ ҳаво юборилиб, элетр токи тармоғидан ўчирилгандан сўнг, огоҳлантирувчи белги осилган ҳолда рухсат этилиши керак.

187. 2СБС ва 2СБ-10 қуритгичлари юргазиш ҳақида огоҳлантирувчи сигнал бериш мосламаси билан таъминланиши керак.

188. Барабаннинг ички қисмини созлаш вақтида ёритиш учун 12 V кучланишга эга бўлган кўчма лампалардан, диэлектрик қўлқоплар, диэлектрик калиш ва резина гиламчалар каби шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш керак.

189. Иш пайтида конструкциясида кўзда тутилган барча блокировкалар соз ҳолатда бўлиши керак.

190. Қуритгич тўхтатилганда смена устасининг рухсатсиз барабан ичига одам киришига йўл қўйилмайди.

191. Қуритгични ишга туширишдан аввал унинг ичида одам йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

192. Ҳаракат узатувчи тасмалар ва бириктирувчи муфтлар мустаҳкам тўсқичлар билан тўсилиши керак.

193. Иссиқлик генераторининг шиберлари, тутун сўргич аппарати йўналтирувчиси ва форсункалари носоз бўлса ҳамда етарлича ёритилмаган бўлса, ишга тушириш тақиқланади.

194. Иссиқлик генераторларини ишга туширишдан олдин ўтхонани шамоллатиш ва унда газ хиди йўқлигига ҳамда газ қувурининг бутунлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

195. Иссиқлик генераторларининг элементлари ва узеллари ва қизийдиган ёрдамчи элементлари ҳарорати 45°дан ошмайдиган иссиқлик изоляциясига эга бўлиши керак.

196. Ўтхоналарда ишлашга 18 ёшга тўлган, тасдиқланган дастур бўйича ўқитилган, тиббий кўрикдан ўтган, ўтхоналарда ишлаш ҳуқуқини берадиган белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлган шахсларга рухсат берилади.

197. Ўтхоналарда кўринарли жойга иситиш коммуникациялари схемаси, ўтхонани иситиш вақтида ёнғин хавфсизлиги, хавфсизлик техникаси ва ишлатиш бўйича йўриқномалар осиб қўйилган бўлиши керак.

198. Газ билан қуритишда, газ магистралада пломбаланган сақловчи клапанлар мавжуд бўлгандагина газ ишлатишга рухсат этилади.

199. Суюқ ёқилғи ишлатилганда уни сақлаш резервуарлари ёнғин хавфсизлиги ҳамда енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни сақлаш омбор-

ларига қўйиладиган техник шартлари ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

200. Амалдаги ҳар бир резервуар лойиҳада ва тегишли Давлат стандартида кўрсатилган ускуналар комплекти билан таъминланиши керак.

201. Резервуарлар дастлабки ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши керак.

202. Ҳар бир ер усти резервуари, қувурлар тизими ва суюқ ёнилғини сўрувчи аппаратлар ишончли равишда ерга уланиши керак.

203. Резервуарлардаги ёқилғи сатҳини пўлат тасма ёрдамида ўлчашда, тасма тақаладиган тешикнинг ички деворлари учкун чиқармайдиган махсус мослама билан жиҳозланган бўлиши лозим.

204. Суюқ ва газсимон ёқилғидан фойдаланилганда ўтхонадаги автоматик ускуналарнинг барчаси соз ҳолатда бўлиши керак.

205. Резервуар ва цистерналарнинг ички қисмини ташқи ҳаво билан алоқада бўлиши учун улар нафас найчалари ёки клапанлари билан таъминланган бўлиши керак.

206. Суюқ ёқилғи сақланадиган резервуарлар парки кечаси ёнғин хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берувчи ёруғликка эга бўлиши ва яшин қайтаргичлар билан таъминланган бўлиши керак.

### **5-§. Пахта тозаловчи ускуналарга қўйиладиган талаблар**

207. ЧХ-3М1 тозалагич қобиғида ўрта чўткали вал қаршисида машинанинг бутун эни бўйича назорат ойнаси, машина юргазгичи билан блокировка қилинган очилувчи қопқоғи бўлиши керак.

208. Қозикли барабаннинг ҳаракатни узатувчи қисмини тўсиғи ва тозаловчи ЧХ-3М1нинг вариаторида очилувчи қопқоқ бўлиши ва у барабан электродвигатели билан блокировка қилинган бўлиши керак.

209. Тозаловчи ЧХ-3М1 аррали барабанлари қобикларини беркитувчи ускуналари бўлиши керак.

210. Тозаловчи ЧХ-3М1нинг очилувчи қопқоқларидан (иккитаси ён томонидан, учтаси орқа томондан) фақат блокировка қилинган тўсиқлари очилиши керак.

211. Тозаловчи ЧХ-3М1нинг пахта туширувчи лотоги намуна олишга мўлжалланган очилиб ёпиладиган қопқоқ билан таъминланиши керак.

212. Тозаловчиларнинг қопқоқлари яхши ёпилиши ва машина ишини назорат қилиш учун дарчалари бўлиши керак.

213. Тозаловчилар чанг ҳавони сўрувчи ускуналарга эга бўлиши ва улар цехнинг умумий вентиляция системасига уланган бўлиши керак.

214. Тозаловчи ЧХ-3М1нинг юқорида жойлашган қисмларини бошқариш учун махсус майдончали кўчма нарвондан, ЧХ-3М2 тозаловчида эса ушлагичи ва майдончаси бор бўлган кўчма нарвонлардан фойдаланилади. Нарвон машинага илгаклар ёрдамида илиб қўйилади.

215. Колосник панжараларини, аррали ва қозикли барабанларни тоза-

лаш, ўралиб қолган пахталарни олиш ишлари блокировка қилинган қопқоқ ва ён тўсиқлар очилиб, огоҳлантирувчи плакатлар осиб қўйилгандан сўнг бажарилиши лозим.

216. Тозаловчи 6A12M1нинг очилувчи қопқоқлари ва эшикларининг зичловчилари ва илгаклари соз ҳолатда бўлиши керак.

217. 6A12M1 тозаловчисининг юқоридаги қопқоғи қозикли барабан ҳаракат узатувчиси билан блокировка қилинган бўлиши керак.

218. 6A12M1 тозаловчисидаги қозикли шнекларнинг очик жойлари машинадан пахта тушадиган қисмларида махсус қобиқ билан ёпилиши керак.

219. 6A12M1 тозаловчисидаги қозикли барабанларнинг юқоридаги қисмларини бошқариш ва машинани тозалаш учун иш майдончалари ва ушлагичлар билан таъминланган нарвонлари бўлиши керак.

220. Тозалагичлар чанг тортиш тизимига эга бўлиши ва цехни чангсизлантириш вентиляциясига уланган бўлиши керак.

221. Тўрнинг юзасини ёпиб турувчи, очилувчи қопқоқ очик ҳолатда туриши ҳамда қулф-дастаги бўлиши керак.

#### **6-§. Жинларга ва тола тозалагичларга қўйиладиган талаблар**

222. Жинларнинг аррали цилиндри бутун узунлиги бўйича пастки ва орқа томонидан (колосниклар орқасидан) ҳимояловчи панжара билан тўсилган бўлиши керак.

223. Жин камераси ажралувчи фартугининг ёпиқ ҳолатда ишончли равишда ушлаб турувчи электр двигатели билан блокировка қилинган махсус ёпқичи бўлиши керак.

224. Жиннинг иш камераси кўтарилган ҳолатда қаттиқ шарнирли тирсак билан тутиб турилиши керак.

225. Жиндаги колосникли панжаранинг пастки қисми чигитларнинг ўтишини назорат қилиш имконини берадиган дарчали қопқоқ билан беркирилган бўлиши керак.

226. Жиннинг колосникли панжараси кўтариш, ечиб олиш ва кўтарилган ҳолатида мустаҳкам ушлаб қолиш имконини берадиган мосламага эга бўлиши керак.

227. Жиндаги чиқинди чиқарувчи шнекнинг машинадан чиқиб турган қисмининг устида қопқоқ бўлиши, агар чиқиндилар ҳаво билан сўриб олинса, бу қопқоқнинг устида тешикчалар бўлиши керак.

228. Жиндаги колосникли панжара шундай ўрнатилиши керакки, аррала кўтарилган ҳолатида колосниклар юзасидан чиқиб турмаслиги керак.

229. Жиндаги колосникли панжарани фақат иш камераси кўтарилган ҳолатда тозалаш керак. Бунда колосникларнинг пастки қисмини (фартук ости) ёғоч белкураклар, юқори қисмини эса махсус мосламалар билан тозалаш (илгак, уч шохли пичоқ ва шунга ўхшаш) керак.

230. Жиндаги ҳаво камераси четларини иш камераси кўтарилган ҳолатда ва аррали цилиндрни ёғоч таёкча билан тўхтатиб тозалаш керак.

231. Валикли жинларнинг асосий барабанларини ёпиб турувчи қопқоқ (фартук) жиннинг электр двигатели билан блокировка қилинган бўлиши керак.

232. Валикли жинларнинг таъминловчи лотоги назорат дарчаси бўлган очилувчи қопқоқ билан ёпиб қўйилиши керак.

233. Валикли жинлардаги қозикли барабан олдидаги ҳаво тешикчаларини беркитиб турувчи очиладиган қопқоқ зичловчи тиқинларга ва қулай қулф-дастакларга эга бўлиши керак.

234. Аррали ва валикли жинларнинг, ердан 2 метрдан баландда жойлашган қисмларини бошқариш учун, кенлиги 0,8 метрдан кам бўлмаган, тўсиқ ва нарвон билан таъминланган махсус майдончаси бўлиши керак.

235. Тезлаштирувчи валикни ҳаракатга келтирувчи ясси қайишни ҳаракатланиб турганда кийдириш тақиқланади.

236. Машина ишлаб турган пайтда ҳаракатланиб турган қисмлари ва валларидан илиниб қолган пахта толаларини олиб ташлаш тақиқланади.

237. Болғачаларни созлаш пайтида валик юзасидаги қайишни олиб қўйиш керак.

238. Иш валигидаги ўлик толалар тушадиган ариқчани тозалаш учун махсус аррачадан ёки махсус ариқчани тозалаш асбобидан фойдаланиш керак.

239. Тола тозалагичнинг тасмали транспортёрининг юқори қисми очиладиган ва қулфланадиган қопқоқ билан таъминланган металл қобиқ ичига жойлаштирилади.

240. Тола тозалагичининг аррали цилиндрлари устидаги очилувчи қопқоғи машинанинг ва жиннинг электр двигателлари билан блокировка қилинган бўлиши керак.

241. Қопқоқлари очилганда мустаҳкам туриши ва дастак-қулф билан таъминланган бўлиши керак.

242. ЗОВПМ тола тозалагичининг чиқиндилар камерасини тўсувчи панжара ўз ҳолатида мустаҳкам туриши ва машинага ҳаракат узатувчи қисм билан блокировка қилинган бўлиши керак.

243. Ҳаво берувчи ва узатувчи қисмларнинг машина қобиғидаги тешикчлари аррали цилиндр юзасидан камида 0,8 метр масофада бўлиши керак. Агар бу масофа 0,8 метрдан кам бўлса, бу тешикларни беркитувчи қопқоқлар электр двигатели билан блокировка қилинган бўлиши керак.

244. Толани сўриб кетувчи қувурга тола тикилиб қолса, уни тозалаш учун майдончаси ва тўсиқлари бўлган нарвондан фойдаланилади. Бунда иш бошлашдан аввал вентилятор ўчириб қўйилиши керак.

### **7-§. Аррали линтерларга қўйиладиган талаблар**

245. Иш камерасининг фартуги линтерни юргизиш ва тўхтатиш қисми билан блокировка қилинган бўлиши керак.

246. Аррали цилиндр пастдан бутун узунлиги бўйича огоҳлантирувчи панжара билан тўсилган бўлиши, у эса ўз навбатида колосникли панжаранинг пастки қисми билан ва огоҳлантирувчи тароқ билан шарнирли бирикиши керак.

247. Арралар валининг учи цилиндр қобик билан тўсилиши лозим.

248. Линтерлар чанг ҳавони ва чиқиндиларни ҳаво ёрдамида сўрувчи вентиляторлар билан таъминланиши керак.

249. Линтни сўриб кетувчи камерада ва ҳаво қувурининг учидаги тикилиб қолган толани махсус металл илгаклар билан тозалаш керак.

### **8-§. Гидропресс қурилмаларига қўйиладиган талаблар**

250. Зичлаштиргич поршени плитасининг ҳаракат зонаси тўрт томондан қобик билан ўралган бўлиши керак. Унинг олд тарафида эса илгакли назорат эшикчаси бўлади.

251. Прессловчи яшиқларнинг айланиш доиралари прессловчи цех поли сатҳи билан баравар бўлиши керак. Айланиш доирасининг пол билан оралиғи 10 мм дан катта бўлмаслиги ва эластик материал билан ёпиб қўйилиши керак.

252. Ён устунлар ва пол орасидаги тирқиш ҳамда фиксаторнинг ўтиш жойи зичлаштирилиши керак.

253. Гидравлик пресс цилиндрларининг қудуқчалари мустаҳкам бириктирилган металл тўсиқлар билан ёпилиши керак.

254. Юқори босимли суюқлик қувурлари мустаҳкам умумий қобикли тўсиқ билан таъминланиши керак.

255. Пресснинг тойни итариб юборувчи механизми бўлиши, унинг занжири ён томонларидан 10 — 15 мм баландликда чиқиб турган тўсиқлар билан таъминланган бўлиши керак.

256. Тойларни пресс ичидан итариб чиқариш учун нишаблик бўлиши керак.

257. Прессловчи яшиқларни айланиш вақтида фиксатор ўчиши билан биринчи ва иккинчи қаватда автоматик равишда товуш сигнали ва биринчи қаватда қўшимча равишда ёруғлик сигнали берилиши керак.

258. Юқори траверс билан пресс эшиқлари орасида камида 40 мм ли тирқиш бўлиши ва дастаклар эшик қиррасидан 100 мм масофада ўрнатилиши керак.

259. Ҳар бир пресс цилиндридаги суюқликнинг босимини назорат қилиб туриш учун созланган ва белгиланган тартибда текширилган манометр билан таъминланиши керак.

260. Гидронасосларнинг ишини назорат қилиб туриш учун улар манометр ва огоҳлантирувчи клапанларга эга бўлиши керак. Огоҳлантирувчи клапанлар пресс цилиндридаги суюқликнинг иш босимига мўлжалланган бўлиши лозим.

261. Пресслаш цехида камарлари узилган пахта маҳсулотлари тойлари-

нинг йиғилишига ёки прессланмаган пахта маҳсулотлари массасини бир той ҳажмидан ортиқ тўпланишига йўл қўймаслик лозим.

262. Тойларни ўраш материаллари ва бойлаш симлари ёки тасмалари иш жойини тўсмайдиган масофада сақланиши керак.

263. Тойларни пресслаш цехидан олиб чиқиб кетиш учун транспортёрлар ишлатилиши, улар бўлмаганда қисқичли ва ҳимояловчи тўсиқли махсус аравачалар қўлланиши лозим.

264. Толани ва момиқни пресслаш цехи жин, линтер, тозаловчи, қури-тиш ва пахтани узатиш цехлари ва участкалари билан сигнализация орқали боғланган бўлиши керак.

### **9-§. Конденсор ва сепараторларга қўйиладиган талаблар**

265. Конденсорнинг олдида «Тўхтатиш» авария тугмаси бўлиши керак.

266. Конденсорнинг тўрли барабани ёки машина узелларининг люкларини мустаҳкам, блокировка ва зичлагичлар билан таъминланган қопқоқлари бўлиши керак.

267. Конденсорнинг очилувчи қопқоқларида назорат дарчалари бўлиши ва улар блокировка қилиниши керак.

268. Конденсор лотогининг қопқоғи сурилувчан бўлиши ва юқори қисми илгак билан илинган бўлиши керак.

269. Сепарациялаш камерасининг ён томонида жойлашган тешик, сепараторга ҳаракат узатиш қисми билан блокировка қилинган қопқоқ билан беркитилиши керак.

### **10-§. Толали чиқиндиларни қайта ишлаш машиналарига (РОВ, ОВМ-А) қўйиладиган талаблар**

270. Таъминловчи столча ва рифланган таъминловчи цилиндр юқори тарафидан қулфли очилувчи қопқоқ билан ёпилиши керак.

271. Машинанинг аэродинамик ҳолатини меъёрлаштириб ва тешикларни беркитиб турувчи таёқлар орасидаги тирқиш 25 — 30 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

272. Тозаланган толани сўриб кетувчи қувурдаги тешик аррали цилиндр юзасидан камида 0,8 метр масофада бўлиши ва қопқоқ билан ёпилиши керак.

273. РОВ машинасининг тўрли барабани тепасидан блокировка қилинган ва мустаҳкам очилувчи қопқоқ билан ёпилиши керак.

274. Чиқиндиларни чиқариб ташловчи шнекнинг чиқариш қоробкасидаги тешиклар тепасидан тўсиқлар билан беркитилган бўлиши керак.

275. ОВМ-А туридаги толали материалларни тозаловчи ускунанинг ҳаракат узатиш қисмлари икки табақали, электр двигатели билан блокировка қилинган қўзғалмас қобик билан беркитилган бўлиши керак.

276. ОВМ-А машинасининг юқори қопқоғи электр двигатели билан блокировка қилинган ва очиқ ҳолатида мустаҳкам турувчи фиксатор билан таъминланган бўлиши керак.

277. Толали чиқиндиларни қайта ишлаш машиналари чанг ҳавони сўрувчи маҳаллий вентиляция билан таъминланиши ва у цехни чангсизлантириш тизимига уланган бўлиши керак.

### **11-§. Пневмотранспорт ва вентиляция ускуналарига қўйиладиган талаблар**

278. Вентиляторларнинг бириктирувчи муфтлари электр двигатели билан блокировка қилинган очилувчи қобиклар билан таъминланиши керак. Қобиқ четлари ва вентилятор подшипниги ва электр двигатели ораларидаги тирқиш 10 мм дан ошмаслиги керак.

279. Вентилятор сўрувчи ҳаво қувурига ўрнатилган ва йўналтирувчи аппарат парракчаларини хоҳлаган ҳолатда тўхтатиш имконини берувчи фиксатор билан таъминлаши лозим.

280. Циклон ва ҳаво тозаловчи циклон қурилмаларининг шнек ва вакуум-клапанга ҳаракат узатувчи қисмлари умумий, қўзғалмас қобиққа эга бўлиши ва унинг орқа қисмида олинувчи қопқоғи бўлиши керак.

281. ЦП-3 (ЦЛ-3) ва ҳаво тозаловчи циклон қурилмалари қўзғалмас майдончалар билан ва уларга чиқиладиган, ушлагичли нарвонлар билан таъминланиши зарур.

282. Оғир жисмларни ушлаб қолгичларнинг титувчи-таъминловчи барабанининг ёпқичи блокировка қилинган қопқоққа эга бўлиши керак.

### **12-§. Уруғлик чигитларни тайёрлаш машиналари ва цехларига қўйиладиган талаблар**

283. Уруғлик чигитларни тайёрлаш машиналари зарарли чиқиндиларни бевосита пайдо бўлаётган жойидан сўриб олувчи вентиляция ускунаси билан таъминланган бўлиши лозим.

284. Чанг, чиқиндилар ҳамда химикатлардан бўшаган қоғоз қоплар (идишлар) махсус ажратилган жойларда ёқиб юборилиши лозим.

285. Заҳарли химикатлар қопини очиш ва уни дозаторга солиш ишлари герметик ёпиқ камераларда ишчининг ўзи ташқарида турган ҳолда бажарилиши керак.

286. Чигитларга ишлов бериладиган препарат махсус омборда, идишларда сақланиши ва омбордан бир суткалик сарфи ҳажмида чиқарилиши керак.

287. Зарарсизлантирилган чигитлар машинадан тўрт қаватли қоғоз қопларга солиниши ва устига «Заҳарли» деб ёзиб қўйилган тамға босилиши керак.

288. Ходимлар фақат тармоқ меъёрларида кўрсатилган шахсий химоя воситаларидан фойдаланилган ҳолда ишлашлари керак.

289. Чигитларга ишлов бериш цехида овқатланиш, сув ичиш, чекиш ҳамда ўзи билан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кириш тақиқланади.

290. Дорилловчи машиналарнинг аралаштирувчи барабанида блокировка қилинган қопқоқ бўлиши керак.

291. Машинанинг таъминловчисини ва дозаторини бошқариш учун нарвон билан таъминланган майдонча бўлиши керак.

292. Майдончанинг сатҳи дозатор бункери юқори қирғоғидан 0,8 — 1 метр пастроқ бўлиши керак.

293. Винтли конвейер қобигида болтлар билан маҳкамланиб, очиладиган қопқоғи бўлиши керак.

294. Таъминловчи транспортёр блокировка қилинган қопқоққа эга бўлиши керак.

295. Вентиляторнинг сўрувчи қузури остидаги тўсиқда чиқиндиларни олиш учун мўлжалланган люкнинг блокировкаланган қопқоғи бўлиши керак.

## **V. Таъмирлаш (тузатиш) ишларини бажаришда хавфсизлик талаблари**

### **1-§. Юк ортувчи машиналарга қўйиладиган талаблар**

296. Аккумуляторли юк ортгичлар ва пневматик шинали электрокаралар текисланган, сув тўпланмайдиган ва қаттиқ юзали майдончаларда ҳаракатланиши лозим.

297. Ишга тормозлари соз, товуш сигнали яхши ишлайдиган ва техник жиҳатдан соз бўлган юк ортгичлар қўйилади.

298. Юк ортгичлар ҳаракати пайтида юкни кўтариш, тушириш, қийшайтириш тақиқланади.

299. Юк ортувчи машиналарида одамларни олиб юриш тақиқланади.

300. Юк ортувчи машиналарда ва автоюклагичларда ишлашга 18 ёшга тўлган, ҳайдаш ҳуқуқи берилган гувоҳномаси бор, тиббий кўриқдан ўтган, билими синовдан ўтказилган шахслар қўйилади.

301. Иш тугагач, дам олиш вақтларида ёки ҳайдовчининг вақтинчалик йўқлигида машина тўла ўчирилган, коробка қулфланган бўлиши ва паншалар ерга тушириб қўйилган бўлиши керак.

302. Юк ортгичларни ва электрокараларни созлаш ва техник кўриқдан ўтказиш ишлари махсус жихозланган хоналарда бажарилиши керак.

### **2-§. Завод ҳудудидаги темир йўлларга қўйиладиган талаблар**

303. Завод ҳудудидаги темир йўлларни бошқариш ва тузилиши темир йўл транспорти хавфсизлик техникаси қоидаларига мос бўлиши керак.

304. Пахта тойларини темир йўл вагонларига ортиш-тушириш ишлари



темир йўл транспорти хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

305. Темир йўлларни кесиб ўтадиган йўлақлар қулай ва хавфсиз жойларга қурилиши, уларга рельслар юзаси билан барабар қилиб тўшамалар тўшалиши керак. Ўтиш жойларида «Ўтиш жойи» деб ёзилган белги бўлиши керак.

306. Йўллар доимо соз ҳолатда бўлиши ва махсус малакали мутахассислар томонидан мунтазам текшириб турилиши керак. Назорат даврийлиги завод ҳудудида йўлларни сақлаш йўриқномасида белгиланган бўлиши лозим.

307. Йўлнинг охирида вагон издан чиқиб кетмаслиги учун тўсқич билан таъминланиши шарт.

308. Темир йўлнинг машина йўли билан кесишган жойида, йўлнинг бутун кенглиги бўйича ўтиш қулай бўлиши учун тўшама тўшалади. Йўловчилар ва ҳайдовчилар учун товуш сигнали ва «Поезддан сақланинг» огоҳлантирувчи белгиси ўрнатилган бўлиши лозим.

309. Темир йўлнинг икки четида эни камида 1 метрли йўлақлар бўлиши керак. Бу йўлақлар ҳар хил нарсалар билан тўсиб қўйилмаслиги, мунтазам равишда тозалаб турилиши, текис ва қаттиқ юзали бўлиши керак.

310. Стрелкалар ва ўтиш жойлари ёритилиши керак.

### **3-§. Металларга совуқ ҳолатда ишлов беришга қўйиладиган талаблар**

311. Станокнинг қисиб турувчи қисмларига детални мустаҳкам ўрнатиш керак.

312. Ишлов бериш вақтида, узлуксиз қиринди чиқарадиган металлларни қирқаётганда махсус қирқувчи ёки қириндиларни майдаловчи мосламалар қўлланиши керак. Синувчи қиринди чиқадаган металлларга ишлов беришда, қириндиларни чиқариб турувчи мослама ишлатилиши лозим.

313. Дастгоҳларда маҳсулотни сайқаллаш, тозалаш ва ялтиратиш ишларини бажариш вақтида хавфсизликни таъминловчи махсус мосламалар қўлланиши керак.

314. Станок юриб турганда қўлда сайқаллаш тақиқланади.

315. Кавшарланган кескичларни кавшарлаш сифати текширилганидан сўнг ишлатиш лозим.

316. Горизонтал ва вертикал пармалаш дастгоҳларининг узатиш валлари тўсиқлар билан тўсилиши керак.

317. Дастгоҳлар ишлаётганда, ишлов берилаётган материалга тегиб турмаётган фрезаларнинг кесувчи қисмлари ишлатишга қулай бўлган тўсқичлар билан тўсилиши керак.

318. Айланмаётган парма яқинидаги қириндилар ёғоч таёкча ёки узунлиги камида 250 мм бўлган чўтка билан олиб турилиши керак.

319. Дастгоҳ ишлаб турган пайтда детални алмаштириш ёки қотириш тақиқланади.

320. Пармалашдан чиққан қириндини фақат дастгоҳ тўхтагандан ва асбоб узоклаштирилгандан сўнг йиғиштириш мумкин.

321. Пармалаш дастгоҳида асбобни ечиб олиш учун урганда синмайдиган, бўлаклари учмайдиган металлдан ясалган махсус болғалар ва асбоблар ишлатилиши керак.

322. Дастгоҳнинг столи ва стойкаси орасидаги масофа тўсиқ билан тўсилиши керак.

323. Металларни қирқишга мўлжалланган қайчи-дастгоҳларда пичок остига ишчининг қўли бориб қолишидан огоҳлантирувчи стол ва қўзғалмас линейка бўлиши лозим.

324. Прессларда маҳсулотни узатиш ва олишда ишловчининг қўлини шикастламаслик учун ҳимояловчи мослама қўлланиши керак.

325. Ҳар бир чарх доирасини дастгоҳга ўрнатишдан олдин уни бутунлай беркитувчи махсус қобикли дастгоҳда синовдан ўтказиш лозим.

326. Доиралар дастгоҳ валига махсус дисклар билан ва улар орасига картон қўйиб гайкалар билан қотирилиб ўрнатилиши керак.

327. Қисувчи дискларнинг диаметри чарх доираси ёки тоши диаметрининг учдан биридан кам бўлмаслиги керак.

328. Чархлаш дастгоҳи тўсиқ билан таъминланиши керак.

329. Бу дастгоҳлар шаффоф ҳимоя тўсиқлари билан таъминланиши ва бу экранлар дастгоҳ билан блокировка қилинган бўлиши керак.

330. Сайқалловчи дастгоҳлар, одамларни жароҳатламаслиги ва совутувчи суюқлик сачратмаслиги учун ён томонидан тўсиқ билан тўсилиши керак.

331. Совутгичларсиз ишлайдиган чархлаш асбобли дастгоҳлар чанг сўриш ускунаси билан таъминланиши керак.

332. Металларга ишлов берувчи дастгоҳлар атрофидаги пол текис ва сирпанмайдиган бўлиши керак. Пол цементланган бўлса устига ёғочдан ясалган панжара ташланиши керак.

333. Дастгоҳларга оғир ва қўпол (20 kg дан ортиқ) деталларни ўрнатиш ва олиш ишлари механик мосламалар ёрдамида бажарилиши керак.

334. Дастгоҳлар кучланиши 36 V бўлган ёритгичлар билан таъминланиши керак.

#### **4-§. Чилангарлик ишларига қўйиладиган талаблар**

335. Чилангарлик ишларининг барча асбоблари фақат соз ҳолда ишлатилиши керак. Цехда чилангарлик асбобларини сақлаш, топшириш ва қабул қилиб олишнинг тартиби ва назорати ўрнатилиши керак.

336. Цех маъмурияти чилангарларга берилаётган асбобларнинг сифатини ҳар куни, иш жойларидаги ва омборлардаги барча асбобларнинг сифатини эса камида бир ойда бир марта текшириши керак. Текшириш вақтида аниқланган носоз асбоблар йиғиштириб олиниши ва белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилиши ёки таъмирланиши лозим.

337. Чилангарлик болға ва тўқмоқларининг иш юзалари бироз қабарик, парчинланиб кетмаган ва ёрилмаган бўлиши керак.

338. Зубила ва шунга ўхшаш қирқувчи асбоблар билан ишлаганда маъмурият томонидан ишчиларга ҳимоя кўзойнаклари берилиши лозим.

339. Барча кавшарлаш лампалари ҳар ойда кўрикдан ўтказилиши ва камида бир йилда бир марта иш босими икки марта оширилган ҳолда гидравлик синовдан ўтказилиши керак. Синов ва кўрик натижалари ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши керак.

340. Керосинли кавшарлаш лампалари учун ёқилғи сифатида фақат керосиндан фойдаланиш керак.

### **5-§. Электр пайвандлаш ишларига қўйиладиган талаблар**

341. Электр пайвандлаш ускуналарининг ток остида бўлмаган металл қисмлари (трансформаторлар, генераторлар қобиклари) ҳамда пайвандланаётган конструкциялар ва буюмлар ерга уланиши керак.

342. Электр пайвандлаш ишларини бошлашдан олдин симларнинг ва электр двигателларининг изоляцияларини ҳамда барча контактларнинг қаттиқ бириктирилганлигини текшириш зарур.

343. Симларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказишда уларнинг изоляция қобиклари шикастланишига, пўлат симларга, ацетилен аппаратлари ичкаларига, газ аппаратларига ва иссиқ қувурларга тегиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

344. Электр пайвандлаш агрегат ва аппаратларини токка улаш ёпиқ рубильниклар орқали амалга оширилади. Кўчма пайвандлаш агрегатларида рубильник қопқоқлари блокировка қилинган бўлади.

345. Пайвандлаш агрегатларини токка улаш, узиб қўйиш ҳамда уларни созлаш ишларини фақат электр монтёрлари бажаришлари керак. Бу ишларни пайвандловчиларнинг бажариши тақиқланади.

346. Электр пайвандлаш аппарат ва агрегатларининг созлигини иш бошлашдан аввал текшириш керак.

347. Ерга уловчи сифатида биноларнинг металл конструкциялари, коммуникацияларнинг қувурлари ва технологик ускуналардан фойдаланиш мумкин эмас.

348. Тасодифан тегиб кетиши мумкин бўлган ток юривчи қисмлар (электр симлари, рубильниклар, контактлар) пайвандловчини тоқдан ҳимоялаш мақсадида тўсиб қўйилади.

349. Очиқ электр ёйи билан ишлаганда электр пайвандловчининг юзи ва кўзини ҳимоялаш учун шлем-маска ёки ҳимояловчи ойнаси бўлган тўсиқ билан ишлаш керак.

350. Ёмғир ёғиб турганда ва момақалди роқ бўлаётганда электр пайвандлаш ишларини бажариш тақиқланади.

351. Пайвандлаш ишлари махсус ажратилган хоналарда, бошқа ҳоллар-

да эса электр пайвандлаш иш жойи бошқа иш жойларидан ёнмайдиган материалдан қилинган кўчма тўсиқ билан тўсилиши керак.

352. Босим остида турган аппарат ва идишларни пайвандлаш тақиқланади.

### **6-§. Газ билан пайвандлаш ва қирқиш ишларига қўйиладиган талаблар**

353. Газ билан пайвандлаш ишларини бажаришда металлларни кислород, ацетилен ва газ билан ишлов бериш саноат санитарияси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш керак.

354. Кўчма ацетилен генераторлари (кейинги ўринларда генераторлар деб юритилади) очиқ ҳавода ёки бостирмалар тагида ишлатилиши керак. Генераторларни, зарур пайтларда, ҳар бир генератор учун ҳажми 300 м<sup>3</sup> тўғри келган хоналарда ёки генератор бир хонада, пайвандлаш бошқа хонада бўлса 100 м<sup>3</sup> ҳажмли хоналар ичида ҳам пайвандлашга рухсат этилади лекин иккала ҳолда ҳам хона яхши шамоллатиб турилиши керак.

355. Генераторларни компрессорларнинг ва вентиляторларнинг ҳаво сўрувчи жойлари яқинига енгил алангаланувчан моддалар ёки ацетилен билан бирикиб ўз-ўзидан портловчи модда ажралиб чиқадиغان хоналарга киритиш мумкин эмас.

356. Генераторни қия ҳолатда ўрнатиш мумкин эмас.

357. Металларга газ алангаси билан ишлов бериладиган хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ҳар бир иш жойи учун, ускуналардан ва йўлақлардан ташқари камида 4 х 2 метр майдон ажратилиши, йўлақларнинг эни эса 1 метрдан кам бўлмаслиги керак;

металларга газ алангаси билан ишлов бериш ишларини ертўлаларда, иккинчи ва ундан юқори қаватларда бажариш тақиқланади;

газ билан пайвандлаш цехларининг поллари ёнмайдиган, иссиқлик ўтказмайдиغان ва енгил тозаланадиган бўлиши керак.

358. Пайвандлаш ва газ билан қирқиш ишлари цехларни ичида махсус ажратилган ва махсус жиҳозланган жойларда ва хоналарда амалга оширилиши лозим.

359. Газ алангаси билан ишлов бериш жойларидан 5 метрдан яқинда жойлашган ёғоч деворлар, пардеворлар ва эшиклар асбест билан ёки натри лойсувоқ қилиб, устидан тунука билан қопланиши керак.

360. Металларга газ алангаси билан ишлов бериш цехлари хоналари ҳаво сўрувчи вентиляция билан таъминланиши керак. Вентиляция ишламаган ҳолларда газ билан пайвандлаш ишларини бажариш тақиқланади.

361. Газ билан пайвандловчининг доимий иш жойи, ишлов берилаётган маҳсулотни ўрнаштириш ва жойини алмаштириш учун махсус стол ёки мослама билан таъминланиши керак.

362. Доимий иш жойларида ўчирилган горелкаларни илиб қўйиш учун махсус илгак бўлиши керак.

363. Доимий иш жойининг поли бетон ёки асфальт бўлса ёғоч панжалар билан тўсилиши керак.

364. Газ алангаси билан ишлашда иш жойи яхшилаб кўриб чиқилиши, ортиқча, ишга халақит берувчи буюмлар енгил алангаланувчи суюкликлар олиб ташланиши керак.

365. Кальций карбидини қопқоғи яхши беркитиладиган, куруқ идишларда, ўтга чидамли, енгил конструкцияли, яхши шамоллатиладиган, ташқи электр ёритгичли хоналарда сақланади. Уларни ертўлаларда сақлаш тақиқланади.

366. Баллонларни, махсус жихозланган алоҳида хоналарда, вертикал ҳолатда махсус уялари бор мосламаларда сақланади. Бўш баллонлар алоҳида сақланиши керак.

367. Карбид кальций солинган барабанларни учқун чиқармайдиган махсус асбоблар билан очиш керак.

368. Кўчма ацетилен аппаратларини ишлатиш вақтида қуйидагилар тақиқланади:

кальций карбидини ҳўл яшиқ ва корзинкаларга солиш;

бир генератордан бир неча горелка орқали қирқиш ишларини бажариш; карбидни ишлатиш бўйича йўриқномада кўрсатилганидан ортиқча солиш; кислород ва ацетилен баллонларидан 10 метргача бўлган масофада чекиш, гугурт ёқиш ва очиқ аланга ишлатиш;

газни белгиланган миқдоридан ортиқча чиқариш;

ортиқча газни чиқариб юбориш мақсадида генератор қопқоғини очиш; ацетилен генераторларини йўлларда, йўлакларда, зинапоя майдончаларида, ертўлаларда, қоронғу жойларда ва одамлар кўп тўпланадиган жойларга ўрнатиш;

манометрсиз, бузук манометрли ёки ишлатиш муддати тугаган манометрли редукторларни қўллаш;

иш тугагач, дам олиш пайтида ёки иш орасидаги қисқа танаффус пайтларида кислородли баллонларни ёки ацетилен генераторларини назоратсиз қолдириш.

369. Музлаган ацетилен генераторларини фақат мой аралашмаган буғ ёки иссиқ сув билан эритишга рухсат берилади. Кўчма генераторларни хоналарда иситишни очиқ аланга манбаидан ва ҳаво сўрувчи вентиляция мавжуд бўлган тақдирда камида 10 метр масофада бажарилиши лозим.

370. Генераторлардан чиқадиган ишлатиб бўлинган кальций карбиди балчиксимон қолдиғи яхшилаб металл яшиқларга йиғиб олиниши ва махсус жойларга олиб бориб ташланиши керак.

## **7-§. Арраларни созлаш цехидаги ишларга талаблар**

371. Қум ваннаси очилувчи блокировка қилинган қопқоқ, ушлаб турувчи фиксатор ва қулай дастак билан таъминланиши керак.

372. Дастгоҳнинг валиги ўрнатилган чарх тоши ГОСТ ССБТ «Абразив

асбоблари. Хавфсиз ишлашнинг меъёр ва Қоидалари» талабларига мувофиқ ҳимоя воситалари билан таъминланиши керак.

373. Қум ваннаси ва арраларнинг тишларидаги қировларни туширувчи дастгоҳ чанг сўрувчи агрегат билан таъминланган бўлиши лозим.

374. Чархланган, текисланган ва созлашни талаб қиладиган арралар учун алоҳида жавонлар бўлиши керак.

### **8-§. Сим қирқиш дастгоҳидаги ишларга қўйиладиган талаблар**

375. Тойни ўраш симларини ёки тасмасини кесиш дастгоҳи, алоҳида хонада, ташқарига чиқадиган бевосита эшик билан боғланган бўлиши керак.

376. Материал омбори ва той симларини қирқиш хонаси вентиляция системаси билан жиҳозланган бўлиши керак.

377. Жавонлар пишиқ ва устувор бўлиши, баландлиги 3 метрдан ошмаслиги керак.

378. Тўғриловчи каллакка ҳаракат узатувчи қисмлар тўсиқ ичкарасида бўлиши, қайиш ва шкивларни осон ва хавфсиз алмаштириш имконини бериши керак.

### **VI. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

379. Корхоналарни (цехларни) лойиҳалаштиришда, қуришда (монтаж қилишда) мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи ташкилотлар зиммасига юклатилади.

380. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

### **VII. Яқуний қоида**

381. Мазкур Қоидалар «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўздавэнегоназорат» инспекцияси билан келишилган.

*«Ўзпахтасаноат» уюшмаси  
бошқаруви раиси*

**Ф. ОМОНОВ**

*2009 йил 20 апрель*

*Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси*

**Н. ХАНОВ**

*2009 йил 18 май*

*Ички ишлар вазири*

**Б. МАТЛЮБОВ**

*2009 йил 18 май*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**Ф. НАЗИРОВ**

*2009 йил 20 апрель*

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

**Д. ЖАҲОНГИРОВА**

*2009 йил 18 май*

*«Саноатконтехназорат» давлат  
инспекцияси бошлиғи*

**И. ХОЛМАТОВ**

*2009 йил 18 май*

*«Ўздавэнергоназорат»  
инспекцияси бошлиғи*

**А. НИМАТУЛЛАЕВ**

*2009 йил 18 май*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2009 йил 10 июлдан 17 июлгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 27 июндаги 19/3-сонли қарори.*

*2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1831-1 (2009 йил 20 июлдан кучга киради).*

2. «Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 1 июлдаги 204-сонли буйруғи.*

*2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1388-1 (2009 йил 20 июлдан кучга киради).*

3. «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 3 июлдаги 68-сонли буйруғи.*

*2009 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1982 (2009 йил 26 июлдан кучга киради).*

4. «Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 июндаги 29/Б-сонли буйруғи.*

*2009 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1983 (2009 йил 26 июлдан кучга киради).*

**II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Нефтбаза ва нефтьмаҳсулот омборхоналари учун саноат хавфсизлиги қоидалари». *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*



2. «Қувурётқизгич-кранларни хавфсиз иш олиб боришга жавобгар шахслар учун намунавий йўриқнома». «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

3. «Суюқ аммиак ташиш учун мўлжалланган темир йўл вагон-цистерналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари». «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

4. «Анорганик суюқ кислота ва ишқорлардан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари». «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

5. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишлаб чиқариш назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш қоидалари». «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

*Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.*

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

**Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари тўғрисида  
АХБОРОТ**

| Т/р | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахсинг номи ва жойлашган жойи                   | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)   |
|-----|---|--|--|
| 1.  | Андижон шаҳри «Бахт-Ишонч-Ҳамкор» М.Ч.Ж. ҳузуридаги Ҳакамлик суди (Андижон шаҳри, А. Хайдаров кўчаси, 43а-уй) | № 18<br>03.05.2009 й.  | 1. Долимов Илхомжон Тураевич<br>2. Бакиров Мирзаулугбек Раҳматуллаевич<br>3. Ашуров Ёсинахун<br>4. Байбабаев Адилжон<br>5. Қурбонов Ғолибжон Холматович<br>6. Мансуров Абдуҷаббор Абдувалиевич<br>7. Тешабоев Салим Ҳакимович<br>8. Хусанов Асқаржон Аҳмадович |
| 2.  | «Нафис Маржон Сервис» М.Ч.Ж. (Наманган шаҳри, 5-кичик ноҳия, 35-уй, 29-хона)                                  | № 1<br>17.04.2009 й  | 1. Аҳмедов Мухтор Мақсудович<br>2. Хасанов Акрамжон Абдуҷалилович<br>3. Абдуллаев Нуриддин Машраббаевич<br>4. Ибрагимов Рустамжон Рисканович<br>5. Саттаров Рустамжон Абдуллаевич<br>6. Мирзамаҳмудов Жаҳонгир Нуриддинович                                    |
| 3.  | Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси (Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уй)     | № 2<br>28.05.2009 й.   | 1. Муҳитдинов Муслимхожа Нуманович<br>2. Асранбаев Муминжон Кучкарович<br>3. Жалилов Мираббос Ваққасович   |
| 4.  | «Озодлик» М.Ч.Ж. хусусий корхонаси (Наманган шаҳри, Лангар кўчаси, 11а-уй)                                    | № 3<br>23.06.2009 й.   | 1. Ибрагимов Алишер Шарипович<br>2. Ибрагимов Ваҳобжон<br>3. Санажаров Искандар<br>4. Нуриллаев Абдурахмон<br>5. Долимов Хабибилла Абдуғапарович   |

| Т/р | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи   | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)   |
|-----|--|--|--|
| 5.  | Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди (Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 45-уй) | № 2<br>24.06.2009 й.   | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Амонов Нодиржон Базарович</li> <li>2. Аблокулов Салоҳидин</li> <li>3. Аблокулова Гузал Хамрокуловна</li> <li>4. Бобоев Садриддин</li> <li>5. Бутунов Шахриддин Юсупович</li> <li>6. Ганиев Абдирахмон Муратович</li> <li>7. Дусмаматов Баходир</li> <li>8. Исмоилов Абдуҳақим Исаевич</li> <li>9. Ибрагимов Юнус</li> <li>10. Каландаров Жамшид Махмудович</li> <li>11. Куванов Оманкельди Куванович</li> <li>12. Машарипов Улугбек Хожиевич</li> <li>13. Махмудов Муродқобил Авазович</li> <li>14. Нормуродова Шохсанам Мустафаевна</li> <li>15. Раупов Учқун Уткирович</li> <li>16. Салимов Илхом Улашевич</li> <li>17. Саидов Амон Курбонкулович</li> <li>18. Сатторов Хусниддин Султонович</li> <li>19. Собирова Дилнора Жамшидовна</li> <li>20. Султонов Эргаш</li> <li>21. Тураев Шахриёр Шодиёрович</li> <li>22. Тугалов Баҳром Орипович</li> <li>23. Усаров Карим Хасанович</li> <li>24. Убайдуллаев Солиҳон</li> <li>25. Урнашов Саймиддин</li> <li>26. Эшонкулов Азамат</li> <li>27. Хушвақтов Бойхуроз</li> </ol> |

| Т/р | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахсинг номи ва жойлашган жойи                         | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси | Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)  |
|-----|---|--|---|
|     |   |  | 28. Холиков Шерзод Шукурулаевич<br>29. Хидиров Тулкин Узокович<br>30. Хидиров Фархот Ниятович<br>31. Хужанов Жанон<br>32. Шеркулов Максуд |
| 6.  | Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси<br>Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси<br>(Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 1-уй ) | № 1<br>08.04.2009 й  | 1. Қурбонов Холияр Ярматович<br>2. Чариев Тухта<br>3. Джавлиев Урал Баймуратович  |
| 7.  | «Зиндаги» хусусий корхонаси<br>(Олмалиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 39-уй)  | № 2<br>02.07.2009 й.   | 1. Фаттахутдинов Рамиль Тарихович<br>2. Сангинов Аймахаммед Ашурович<br>3. Шин Николай Борисович<br>4. Казаков Григорий Александрович     |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг куйидаги имкониятлари мавжуд:*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

*респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

**WWW.LEX.UZ**

**сайтига марҳамат қилинг**

